

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ
КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ БЕРДАХА**

**ОТДЕЛЕНИЕ МАГИСТРАТУРЫ
ЕРКАБАЕВ ХУСНИДДИН
СУЛТАНОВИЧ**

МАГИСТРСКАЯ ДИССЕРТАЦИЯ

**НА ТЕМУ «Умумтаълим мактабларда инглиз тили ўқитишнинг
тавсифи»**

НАУЧНЫЙ РУКОВОДИТЕЛЬ: КУРБАНБАЕВ АМИН

НУКУС-2011

МУНДАРИЖА

Кириш

I БОБ. Умумтаълим мактабларда инглиз тили ўқитишнинг тавсифи

- I.1. Инглиз тилининг ўрта мактабларда умумтаълимий ўқув предмети мақомида ўқитилишига доир
- I.2. Ўрта мактабларда инглиз тили ўқитиш жараёнини босқичларга ажратиш
- I.3. Инглиз тили ўқитиш мақсадларининг дидактик таҳлили
 - I.3.1. Инглиз тили ўқитишнинг амалий мақсади
 - I.3.2. Инглиз тили ўқитиш мақсадлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

II БОБ. Ўрта мактабларда инглиз тили ўқитиш мазмунининг лингводидактик талқини

- II.1. Инглиз тили ўқитишнинг мазмунининг методик тавсифи
- II.2. Ўрта мактабларда нутқ мавзулари танлашнинг методик мезонлари
- II.3. Ўрта босқичда нутқ малакаларига қўйиладиган дастурий талаблар
- II.4. Тил материалининг методологик типологияси

III БОБ. Мактабда инглиз тили ўқитишнинг ўрта босқичида грамматик кўникмаларни шакллантириш

- III.1. Грамматиканинг чет тил ўрганишдаги ўрни
- III.2. Ўрта босқичда грамматик кўникмаларга қўйиладиган дастурий талаблар
- III.3. Инглиз тили таълимининг ўрта босқичида грамматик кўникмаларни шакллантириш усуллари
- III.4. Мактаб таълимининг ўрта босқичида грамматик кўникмаларни шакллантириш тажрибасидан

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

Кириш

Тадқиқот ишининг долзарблиги. Хорижий тилларни жадал ўрганиш/ўргатиш мустақил Ўзбекистонда hozir умумхалқ эҳтиёжига айланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дарҳақиқат, халқаро ҳамжамиятдан ўз ўрнини топишга интилаётган мамлакат учун хорижий тилларни мукамал билган мутахассисларга эга бўлиш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қайд қилганидек, “Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжихатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини кураётган халқимизга хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир” [1: 44].

Ҳозирги пайтда чет тил таълими “мутахассислар тайёрлаш тизимининг муҳим бир қисмига айланганлиги ва бирор чет тилни билиш олий ва ўрта махсус ўқув юртини тугатаётган мутахассис умумий маданиятининг ажралмас бўлаги эканлиги ҳаммага маълумдир” [14].

Бу эса, албатта, мамлакатимиз педагог, методист-олимлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Чет тилни касбий таълимнинг узвий қисми сифатида ўргатишни таъминловчи дарслик, дастур, махсус луғат, қўлланмалар яратиш вазифаси қанчалик тезкорликни талаб қилса, хорижий тилда мулоқот кўникмаларини шакллантириш методикасини яратиш ҳам ўта долзарб муаммолардандир.

Чет тил ўқитиш методикаси соҳасидаги илмий-тадқиқотлар кўлами кенгдир, бироқ кўпгина ҳолларда “бизнинг ғарб тилларини ўрганишимизда она тилимиз эмас, асосан, рус тили воситачи бўлиб келди.” Бу эса, сўзсиз, кўплаб ноўрин ҳолатларни юзага келтирдик, уларни бартараф этиш учун мамлакатимизда хорижий тилларнинг ўрганишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методларини ишлаб чиқишни тезлаштириш мамлакатимизда қўйилаётган асосий талаблардан биридир. Ушбу таълим асосида она тили ва хорижий тилларни қиёсий хусусиятларини инобатга олиш усулини янада мукамаллаштириш соҳасидаги узлуксиз тадқиқотлар

олиб борилмоқда ҳамда бу таълим жараёнини компьютерлаштириш масаласи янгича кўриниш олмоқда. Ушбу мавзуда махсус семинар, илмий анжуманлар ўтказилиб, уларда хорижий тилларни ўқитишни жадаллаштириш, нутқий малакаларни шакллантириш услубларни маҳаллий шароитда жорий этиш муаммолари муҳокама қилинмоқда ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг тадқиқот йўналишлари белгилаб олинмоқда.

Айнан шу шароитда нутқ фаолиятининг турли босқич ва ташкилий қисмларига оид малакаларни шакллантириш учун унумли хизмат қиладиган методларни ҳар томонлама ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, “грамматик малака” хорижий тилда нутқий мулоқотнинг муҳим қисмидир, бироқ “грамматик кўникмани” ҳосил қилиш муаммоси ҳалигача фанда тўлиқ ечимини топганича йўқ. Айниқса, таълим мақсади ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ўзига хос бўлган, чет тил ўқув соатлари чегараланган, тил табиий муҳити мавжуд бўлмаган, ўрта умумтаълим мактабларнинг ўрта босқичида ўқувчиларда инглиз тили грамматик кўникмаларини шакллантириш ўзгача услуб ва педагогик-психологик ёндашувни талаб этади. Бу муаммони ечимини топиш вазифаси ҳамда уни назарий-амалий жиҳатдан ҳануз кам ўрганилганлиги ушбу диссертация иши **мавзусини долзарб** илмий-тадқиқот сифатида танлашга ундайди.

Шундай қилиб, **тадқиқотнинг объектини** инглиз тили грамматикасини умумтаълим мактабларининг ўрта босқичида ўргатиш жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокамаси бўлиб, унинг **предметини** эса “грамматик кўникма”, уларни мактаб инглиз тили таълимининг ўрта босқичида шакллантириш тизимининг лингводидактик асослари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади-хорижий тилда оғзаки ва ёзма мулоқот юритиш фаолиятининг таркибий қисми бўлган “грамматик кўникма”ни шакллантиришнинг лингводидактик

хусусиятларини таҳлил қилиш ва ўрганишдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш, ўз навбатида, қуйидаги вазифаларни тадқиқ этишни тақозо этади:

-хорижий тилларни ўқитишда грамматик кўникманинг ўрни, моҳиятини аниқлаш ва бу мақсадга мавзуга оид лингвистик, лингводидактик, педагогик, методик адабиётларни ўрганиб чиқиб, улардан танқидий фойдаланиш орқали эришиш;

-грамматика турларини фарқлаш ва уларнинг тиллар таълимидаги ўрнини қиёсий ўрганиш ва таҳлил этиш;

-грамматик кўникмани шаклланишида она тили грамматик тизими ҳақидаги билимларнинг ўрни ва унга таяниш имкониятларини ўрганиш;

-ўрта мактаблар учун мўжалланган инглиз тили дарслик ва ўқув кўлланмаларида грамматик материални ёритилишини таҳлил қилиш;

-мактаб дарсликларидаги грамматик кўникмани шакллантиришга йўналтирилган машқлар тизимини таҳлил қилиш ва уларни самарали турларини қўллаш ҳақидаги кўрсатмаларни умумлаштириш;

-берилаётган методик кўрсатмаларни амалиётга татбиқ этиш тамойилларини белгилаш ва услубий йўлларини кўрсатиш ва ҳ. к. з.

Тадқиқотнинг илмий фарази қуйидагича ўрта умутаълим мактаблари ўқувчиларида инглиз тили грамматик кўникмаларини шакллантириш ва унинг нутқий мулоқотда қўллаш малакасини эгаллашга кўмаклашиш мақсадида тез ва осон эришишнинг асосий омили хорижий тил таълимини уни қандай мақсадда ва йўналишда ўрганилишига нисбатан ташкил қилиш билан боғлиқдир. Танланган тил материалининг лисоний хусусиятлари тиллараро типологияси кўрсаткичлар ҳамда тилга оид нутқ вазиятларини ҳисобга олиш асосида тузилган машқларидан фойдаланиш талабаларнинг нутқий кўникмаларини шаклланишига ижобий таъсирини кўрсатади.

Тадқиқот методлари. Ишни бажариш ва қўйилган муаммолар ечимини топиш жараёнида илмий таҳлил, мавзуга оид илмий нашр(рисола, мақола, илмий-методик адабиёт, ўрта мактаблар учун мўлжалланган дастур, кўлланма ва дарслик)ларни ўрганиб чиқилиб, улар ҳақида илмий хулосаларга

келинди. Демак, тадқиқот жараёнида назарий таҳлил, қиёсий тилшунослик, ижтимоий педагогика, ўқитиш методикаси услубларига мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг методологик асоси сифатида тил ҳодисаларининг ижтимоий табиати, тил таълимини лингводидактик мазмунини ташкил қилувчи тамойиллар ҳақидаги илмий-назарий хулосалар хизмат қилади. Бу борада, айниқса, республикаimizдаги янги тил сиёсатини шакллантиришга ва таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган расмий хужжатлар, фармойишлар ҳамда «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да берилган кўрсатмалар алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги унда умумтаълим мактаби ўрта босқичида ўқувчиларнинг инглиз тили грамматик кўникмаларни шакллантиришнинг лингводидактик тамойиллари, методик воситалари маълум бир мажмуа тарзида тадқиқ этилганлигида намоён бўлади. Ушбу тадқиқотнинг назарий ва амалий хулосалари ва материалдан келгусида ўрта умумтаълим мактаби, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртлари инглиз тили таълимида назарий ва амалий жиҳатдан фойдаланиш, ҳосил қилинган кўникма ҳамда малакаларни мазкур ўқув муассасаларида қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижалар бўйича қуйидаги хулосалар ҳимоя учун таклиф қилинади:

- хорижий тилда мулоқот кўникмасини ҳосил қилишда грамматик кўникмани эгаллаш асосий дастурий талаблардан биридир;
- грамматик кўникмаларни таълим мақсадига мувофиқ шаклланишида актив ва пассив минимум ҳодисаларини фарқлаш, улар ўртасидаги психологик, дидактик ҳамда лингвистик боғлиқлик ва ўзаро алоқани ҳисобга олиш тил таълимининг муҳим шартларидан биридир;
- грамматик кўникмани шакллантиришнинг яна бир муҳим омили-таълим жараёнида она тили интерференцияси ва унинг ижобий таъсирини эътиборга олишдир;

-она тили грамматикасига оид билимлардан чет тил таълими жараёнида ижобий фойдаланиш ва ҳ. к. з.

Грамматика тизимининг тил ўзлаштиришда тутган ўрни, унинг нутқий мулоқот бирликлари тузилишида ўйнайдиган етакчи вазифаси доимо қайд қилинаётган вазифадир. Мазмунли ва барчага тушунарли нутқни грамматикасиз унинг конун-қоидалари амалиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маълумки, нутқий фаолият, нафақат, қандайдир бирлик ёки тузилмаларни ёдда сақлаб қолиш ва қайта қўллашдан, балки уларни маълум модел нусхалар асосида яшаш ҳамда нутқий вазиятга мослаштириб ишлатишдан иборат. Шу сабабли тил ўрганиш жараёнида грамматик ва мазмун жihatдан барча талабларга жавоб берадиган ўзига хос мавҳум модел-нусхаларни ажратиш эҳтиёжи туғилади.

Ўта мушкул масала-грамматикани чет тилни ўргатишдаги роли ва мазмунини аниқлашдир. Бундай умумий аҳамиятга эга бўлган масалани ечимини топиш турли соҳа мутахассислари, яъни тил ўқитиш услубчилари, тилшунослар, психолог-руҳшунослар, дидакт-педагоглар илмий ҳамкорлиги асосидагина топиш мумкин. Аммо, афсуски, грамматик тизим талқинида турли йўналишдаги фанлар ёндашувида бўлган номутаносибликлар ҳалигача давом этиб келмоқда.

Диссертациянинг апробацияси. Тадқиқот юзасидан “Замонавий германистика ва хорижий тилларини ўқитишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани (Нукус, 2010 йил 14-15 май) “Coherence in Writing” мавзусида тезис чоп қилинди.

Ишнинг тузилиши. Илмий-тадқиқот иши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар қисмларидан иборат. Тадқиқотнинг кириш қисмида ишнинг долзарблиги, тадқиқотнинг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари, илмий фарази, илмий янгилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, методологик асослари каби масалалар ёритилган.

Ишнинг биринчи бобида ўрта мактабда инглиз тили таълимининг тавсифи-инглиз тилининг ўрта мактабларда умумтаълимий ўқув предмети

мақомида ўқитилиши, ўқитиш жараёнини босқичларга ажратиш (бошланғич, ўрта ва юқори босқич), уларга қўйиладиган дастурий талаблар ва бошқа шунга ўхшаш масалалар ёритилган.

Ишнинг иккинчи боби ўрта мактабларда инглиз тили ўқитиш мазмунининг методик масалалари-нутқ мавзулари танлашнинг методик мезонлари, нутқ малакаларига қўйиладиган дастурий талаблар, тил материалининг методологик типологияси каби масалаларнинг баёнига бағишланади.

Тадқиқотнинг учинчи боби умумтаълим мактабларининг ўрта босқичида инглиз тили грамматик кўникмаларини шакллантириш, грамматик кўникмалар ва уларнинг турлари, таълим дастурида грамматик кўникмаларга қўйиладиган талаблар, инглиз тили таълимининг ўрта босқичида грамматик кўникмаларни шакллантириш усуллари, таълимнинг ўрта босқичида грамматик кўникмаларни шакллантириш тажрибаси каби масалаларни ўз ичига олади.

Диссертациянинг хулоса қисмида юқоридаги учта бобда билдирилган фикр-мулоҳазалар умумийлаштирилган, таҳлил этилган ва улар тўғрисида умумий хулосалари чиқарилган.

Адабиётлар қисмида тадқиқотни ёритиш жараёнида фойдаланилган барча адабиёт ва манбалар маълум кетма-кетлик асосида (алфавит тартибида) берилган.

I БОБ. Умумтаълим мактабларда инглиз тили таълимининг тавсифи

I.1. Инглиз тилининг ўрта мактабларда умумтаълимий ўқув предмети мақомида ўқитилиши доир

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ёшларга таълим-тарбия бериш ишларини тубдан яхшилаш масаласи кўйилган. Жумладан, дастурда: “инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шарт-шароитларини яратиш, тафаккур ҳамда ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш, республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ҳамда технологияларининг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир”- деб таъкидланган [4].

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. Маълумки, бугунги кунда таълим тизимининг муҳим ҳалқасини ўрта умумтаълим мактаблари ташкил этади. Мактаб ўқувчиларининг камолотида, албатта, ўқув дастуридан жой олган барча фанлар муҳим роль ўйнайди. Ўқув режасидан жой олган ҳар бир фан ёки соҳа ўқувчилар камолотида зарурий таркибий қисм ҳисобланади. Барча ўқув предметларининг ўрганилиши ягона мақсад-ҳар томонлама камолга етган инсонни тарбиялашга қаратилган.

Жамиятни жуда тез ривожланиб бориши ўқувчилардан қатор чет тилларни билишни ҳаётий эҳтиёжга айлантирмоқда. Маълумки, жаҳон халқлари эришган бой фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш учун хорижий тилларни ўрганиш зарурдир, чунки илмий ахборот (информация) тил орқали ўзлаштирилади. Ҳозирги пайтда мутахассислар тайёрлашда чет тил предметини ўрнини ҳеч ким инкор этмайди ва бирор бир чет тилни

билиш олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртини тугатаётган мутахассис умумий маданиятининг ажралмас бўлаги эканлиги барчага маълумдир.

Бугунги кунда ўрта мактабларда чет тил, жумладан, инглиз тили умумтаълимий ўқув предмети сифатида ўқитилмоқда. Ўрта мактабларда инглиз тили ўргатиш/ўрганиш ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, махсус ўқув дастури ва ўқитиш методикасини қўллашни тақозо этади. Мавжуд ўқув дастур, дарслик, илмий-методик адабиётларни атрофлича таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, ўқувчиларни ҳар томонлама уйғун камол топган шахс бўлиб етиштиришларида чет тил, жумладан, инглиз тилининг ҳам муҳим ўрни бор.

Ўрта мактабларда инглиз тили умумтаълимий ўқув предмети мавқеини эгаллаб, у ўқувчиларда тўпланган тил тажрибалари асосида ўргатилади. Ўқувчилар асосий билим, кўникма ва малакалар мажмуини, асосан, она тилида эгаллайдилар. Иккинчи ва чет тил эса қўшимча, фойдали ахборот олиш ва бериш учун хизмат қилади. Ўз навбатида, ўрганиладиган инглиз тили ҳам ҳар томонлама камол топган етук шахсни тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди. Тил таълимининг амалий мақсадини рўёбга чиқаришда, яъни ахборотларни тил воситасида бериш ва қабул қилишда ўқувчилар билим оладилар, қўшимча фойдали маълумотларни ўзлаштирадилар ва пировард натижада, камолотга эришадилар. Инглиз тилида олинаётган қўшимча ахборотлар ўқувчиларни билимларини бойитади ва мантиқий тафаккурини ўстиришга кўмаклашади. Инглиз тилидан турли мавзулардаги матнларни ўқиш эса ўқувчиларни дастурий билимларини янада бойитиши, жумладан, чет тилни пухта ўзлаштиришларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бу эса уларни инглиз тили воситасида соҳавий билим олишларини таъминлашдек замонавий талабга жавобдир.

Маълумки, ўрта мактабда ўқувчилар қатор фанлар билан бирга тилларга оид ўқув фанларини ҳам ўрганадилар. Мазкур фанларга она тили, иккинчи тил (рус тили) ва чет тил(инглиз, немис, француз ва ҳ.к.з.)лардан бири киради.

Ўрта мактабларда ўзбек, рус ва инглиз тилларини ўқитишга кўйиладиган дастурий талаблардан бири мазкур ўқув фанлари орасидаги алоқадорликни таъминлашга имконият яратишдир. “Таълимда ўқув фанларининг имкониятларини бирлаштириш, кўзланган мақсадга эришишнинг асосий йўли саналади”-деб қайд қилади, В. С. Чулков [Қаранг: 36: 66]. Ҳар томонлама камол топган ўқувчиларни ривожлантириш учун тилларни ўқитиш имкониятларини бирлаштирмай туриб, бу мақсадга эришиб бўлмаслигини унутмаслик лозим. Тил таълими муаммоларини ҳал этиш жараёнида умумтаълимий фанлар ўртасидаги боғланишларнинг томонлари ўрганиб чиқилган ва предметлараро боғланиш масаласи кўп тадқиқотларда таҳлил қилинган.

Авваллари фақат ўқув фанлари ўртасида “кўприкча” ўрнатиш даражасида тасдиқ қилинадиган “предметлараро боғланиш” (ПБ) ҳозиргача дидактика ва методикада билимлар мазмуни билан илмий билим методларининг мутаносиблигига асосланган яхлит система сифатида тушунилади (М. Н. Скаткин, И. Д. Эверев ва б). ПБ муаммосига бағишланган кўпгина тадқиқотлар (И. Д. Эверев, Г. И. Беленский, И. Я. Лернер ва б.) бу масалани кўп қиррали эканлигини таъкидлайди. Унга системали ёндашиш зарурлиги равшан бўлиб қолди, чунки у таълим тизимида ПБнинг муаммоси таркиби, тузилиши ҳамда вазифаларни уларнинг бошқа тизим объектлари (ўқув жараёни, ўқув тарбиявий фаолият ва ҳ. к. з.) билан очиб беришни тақозо этади.

Ўрта мактабларда ўқитилаётган барча предметлар, жумладан тилларга оид ўқув фанлари ҳам ўқувчиларни умумий йўналишлар бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш учун хизмат қилади. Бу фаолият таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади, албатта. Жумладан, тадқиқотимиздаги инглиз тили предмети ҳам ана шу мақсадларни амалга ошириш учун хизмат қилади.

Инглиз тили предметининг мақсад, вазифалари, таълим шароити, мазмуни, воситалари каби тушунчаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, амалиётда кузатиш натижалари мазкур предметнинг ўзига хос хусусиятларини

аниқлашга имкон беради. Шу боис илмий-тадқиқотимизда инглиз тили предметининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида бир оз тўхталмоқчимиз.

Инглиз тили, жумладан, хорижий тил таълими объекти тадқиқотларда, асосан, кенг ва тор маънода талқин этилади. Кенг маънода унинг объектини нутқ фаолияти ва унинг тур(тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув ва таржима малака)лари ташкил этади. Психологик, психолингвистика ва чет тил ўқитиш методикасининг қонун-қоидаларига мувофиқ нутқ фаолиятининг барча турларини бир вақтнинг ўзида биргаликда шакллантирилади [15: 14].

Тор маънода инглиз таълимининг объектини нутқнинг операцион механизмлари: диққат, хотира, идрок, ўйлаб топиш, антисипация ҳамда фикр алмашиш каби тушунчалар ташкил этади.

Инглиз тили предметининг иккинчи хусусияти-ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг ўзига хос шакллантирилишидир. Буни биз она тили ва инглиз тили предметларини ўрганилишида кузатишимиз мумкин. Хорижий тил таълимини ташкил этишда борасида “инглиз тили” предмети “она тили”га нисбатан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

А). Тил ўрганишнинг йўналиши бўйича: она тилини ўқувчи пастдан юқорига қараб, инглиз тили эса юқоридан пастга қараб ўрганилади. Ўқувчи инглиз тилини маълум мақсадларда ўрганса, она тилини ўрганишда бундай мақсадалар кўзда тутилмайди;

Б). Она тили ва инглиз тилида мулоқот учун нутқий муҳит бир-биридан кескин фарқ қилади. Дарсдан ташқари пайтларда ўқувчига инглиз тилида мулоқот қилиш учун эҳтиёж, муҳит деярли мавжуд эмас. Дарс жараёнидаги муҳит ҳам тилни амалий эгаллашга етарли имкон бермайди. Она тилини ўрганишда эса муҳит тамоман бунинг акси. Она тилида мулоқот қилиш учун кундалик ҳаётда ҳам, бошқа фаолиятларда ҳам доимо табиий муҳит мавжуддир.

В). Она тили инсоннинг кундалик фаолиятига сингиб кетади. Инглиз тили учун эса бундай имконият деярли мавжуд эмас. Инглиз тили дарсларида

ўқувчиларни мулоқотга ўргатиш мақсадида сунъий нутқий вазиятларини вужудга келтириш зарур.

С) Учинчи хусусият-она тилини ўрганиш стихияли тарзда амалга ошиб, у тафаккур шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Инсон теварак-атрофни она тили ёрдамида идрок этиб тушунади ва кишилар билан мулоқотга киради.

Ўрта мактабларда она тилини ўрганишдан кўзланган бирламчи вазифа ўқувчини турмуш тажрибасига ўргатиш, иккиламчи вазифа эса ўз она тилида фикрни аниқ, чиройли, равон ва лўнда ифодалашга ўргатиш, ўзбек тилининг бой ифода воситаларидан нутқий фаолиятда тўғри ва ўринли фойдаланишга, жумладан, давлат тилида иш юритишга, фикрни ўзбек тилида оғзаки ва ёзма шаклда тўғри баён қилишга ўргатишдир [14].

Чет тилни, жумладан, инглиз тилини ўргатишда аҳвол умуман ўзгача. Инглиз тили асосан тилнинг фонетик, грамматик ва лексик томонларини ҳис этиш орқали ўрганилади ҳамда бирламчи вазифа-инглиз тилида ўз фикрини изҳор қилиш, ўзгалар фикрини тушуниш, иккиламчи вазифа эса-ўқувчини кундалик турмуш тажрибасига ўргатишдир.

Навбатдаги хусусият-“инглиз тили, жумладан, чет тил” фани бевосита ўзининг соҳавий предметига эга эмас, у инсон ҳаёти ва жамият тараққиётидаги барча соҳаларга оид билимларни ўз ичига қамраб олади.

”Инглиз тили” бир пайтнинг ўзида таълимнинг ҳам мақсади, ҳам воситасидир. Таълим мақсади деганда, ўқувчиларни инглиз тилида нутқ фаолияти турларини ўргатиш, яъни инглиз тилида нутқий мулоқотни тинглаб тушуниш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма баён қилиш, матнларни ўқиб, улардан тегишли ҳамда керакли ахборотни олиш тушунилади.

Тил ҳодисаларининг мазмун, шакл ва ишлатилиш жиҳатидан хилма-хиллиги. Тил ҳодисаларини тўғри қўллаш у ёки бу ҳодисага тегишли қонун-қоидаларни ўқувчиларга тушунтиришни тақозо этади.

Ниҳоят, билим ва малаканинг муносабати нуқтаи назаридан ўқув предметлари асосан икки тоифага бўлинади:

(а) билим ва назария берувчи фанлар: тарих, адабиёт, география ва ҳ.к.з.; (б) малакани шакллантиришга йўналтирилган фанлар: расм, меҳнат таълими, жисмоний тарбия ва бошқалар [24: 12-15].

Инглиз тили предмети ҳар иккала тоифа ўртасидаги фан бўлиб, у ўқувчиларда ҳам билим, ҳам малакани шаклланишига хизмат қилади.

Инглиз тили ўқитишнинг натижалари тезда кўзга кўринмайди. У ёки бу тил ҳодисасини нутқда қўллаш малакаси шу ҳодисани бир неча марта машқ қилиш асосида шакллантирилади.

Инглиз тили предметининг юқоридаги хусусиятларини ҳисобга олиш инглиз тили таълими муваффақиятини таъминловчи омиллардан деб ҳисоблаш мумкин.

I.2. Ўрта мактабларда инглиз тили ўқитиш жараёнини босқичларга ажратиш ва уларга қўйиладиган дастурий талабларнинг тавсифи

Ўрта умумтаълим мактабларида чет тил ўқув предмети мажбурий курсининг ўқитилиши турлича даврлаштириб келинган. Босқичларга ажратишда, чет тил предмети ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, мазкур фанга ажратилган вақт миқдори (соатлар) каби методик тушунчалар ҳисобга олинади. Кўпгина адабиётларда даврлаштириш, одатда, бошланғич, ўрта ва юқори босқичлари билан чегараланган [12].

Нутқ фаолиятига замин ҳозирловчи бошланғич босқичнинг кейинги босқичларда чет тил самарадорлигини оширишда ўрни беқиёсдир. Бу босқичда ўқувчилар ўзлари учун янги бўлган ўқув предмет-чет тилни ўргана бошлайдилар. Бу босқичда чет тил ашула, шеър, ўйинлар характерида бўлиб, асосан, тақлидан ўрганилади.

Бошланғич босқичда чет тилда гапириш ва тинглаб тушунишнинг оддий малакалари билан бирга ёзув ва ўқишдек кўникмаларнинг ўзлаштиришга сезиларли вақт ва куч сарфлайдилар. Мазкур босқичда чет тил ўргатишга ўқув режасида нисбатан кўпроқ вақт ажратилади. Бу босқичда ўқувчиларнинг барқарор эшитув-талаффуз кўникмалари шакллантирилади.

Тил бирликларининг эшитиш ҳаракат кўникмаларини ҳосил қилиш йўлида гапириш, овоз чиқариб ўқиш турлари кўп машқ қилинади. Маълумки, бошқа нутқ фаолияти турлари гапириш орқали ўргатилади.

Бошланғич босқичда ўқувчилар ўқитувчининг ҳикоя ва кўрсатмаларини тинглаб тушуна олиши, ўрганилган тил материали доирасида матн мазмунини айтиб беришлари, ўтган мавзулар бўйича суҳбатлаша олишлари, матнни ўқиб тушуна олишлари, турли расмларга қараб гапира олишлари талаб қилинади. Бунда ўқувчилар берилган саволларга жавоб қайтариши, савол бериши, таклифга розилик/норозилигини билдириши, жуфтнутқда шеригининг гапларини тинглаб тушуниш малакаларини эгаллашлар талаб этилади. Оғзаки нутқ ва ўқиш мавзулари, асосан, мактаб ҳамда уй ҳақида бўлади. Лексик-грамматик материал актив минимум асосида ўзлаштирилади. Биринчи ўқув йилининг охирига келиб, ўқувчи ичда ўқишни ҳам машқ қила бошлайди. Ўқилиш қоидалари, одатда, лексик-грамматик бирликларни ўзлаштириш мустаҳкамлашга хизмат қилади. Хуснихат ва имло кўникмалари ўқув йилининг биринчи йилида ўрганилади. Уйга вазифалар қилиб ёзма топшириқлар ва овоз чиқариб ўқиш берилади. Бу вазифалардан синфда ўрганилган материалларни мустаҳкамлаш мақсади кўзда тутилади. Бошланғич босқичда оғзаки нутқнинг илгарилаш принципига амал қилинади. Чет тил ўқитиш методикасининг бошланғич босқичида оғзаки нутқнинг илгарилаш принципи деганда, ўрганиладиган лексика, аввалло, оғзаки машқларда, кейинчалик ёзма машқларда берилишини назарда тутилади, яъни дастурий тил материалини, аввалдан оғзаки нутқда, кейинроқ ёзма шаклда машқ қилиш методик ҳодисасини оғзаки нутқнинг илгарилashi тушунилади [31: 88].

V синфда оғзаки илгарилаш туфайли тинглаб тушунилган ва гапиришда ўзлаштирилган материал, аввал ёзувда, сўнг ўқишда берилади.

VI синфда тинглаб тушуниш ва гапиришдан кейин ўқиш ва охирида ёзув машқ қилинади. Ўрта мактаб ўқув дастури талабларига кўра бошланғич босқичда нутқ фаолияти турларининг гапириш ва тинглаб тушуниш (оғзаки

нутқ) турлари амалий мақсад мақомида ўргатилади. Нутқ фаолиятининг бошқа турлари (ўқиш ва ёзув) юқоридаги фаолият турларини ўргатишда восита вазифасини бажаради.

Чет тил таълимининг иккинчи босқичи-ўрта босқичдир. Мазкур босқичда эса дастурий талаблар бир оз ўзгачароқдир. Ўрта мактабнинг VII-VIII-IX синф ўқувчилари таҳсил кўрадиган ушбу босқич, бир томондан, оралиқ давр ҳисобланади, иккинчидан, чет тилда нутқ кўникма ва малакаларини ўстиришнинг энг муҳим ҳамда аҳамиятга эга бўлган даври саналади.

Ўсмирлик даврини бошидан кечираётган ўқувчилар нарса ва ходисаларга қизиқувчанлик билан қарайдилар, уларда билиш фаолияти нисбатан кучайган бўлади. Тил материални ўрганишда онглиликка эътибор кучаяди.

Ушбу босқичда актив лексик ва грамматик материални ўрганиш давом эттирилади. Оғзаки нутқ етакчи амалий мақсад ва муҳим таълимий воситалардан бири мақомини сақлаб қолади. Ўқишнинг малака сифатида мавқеи ўзгаради, у асосий амалий мақсад даражасига чиқа бошлайди. Ўқувчиларнинг ёзма матндан қизиқарли ва фойдали ахборот олишга эътибор ошади. Хуллас, мазкур босқичда оғзаки нутқ ва ўқиш малакаларига сарфланадиган куч ва вақт бараварлашади. VII синф охирига келиб, ўқишнинг амалий мақсад мақомини эгаллашига замин ҳозирланди.

Иккинчи (ўрта) босқичнинг охирида ўқувчилар берилган мавзулар бўйича оғзаки фикр баён эта олиш, тингланган ёки ўқилган матн мазмунини айтиб бериш, суҳбатда қатнашиш ва хат ёзиш малакаларига эга бўладилар. Гапирганда ўз муносабатини билдириш, ўзларининг нутқтаи назарини асослаш сабаб-оқибат боғланишини изоҳлай олишни машқ қилишади. Суҳбатларда репликаларни қўллаш жуфтнутқда 7 тагача бўлган сўзларни ишлата олиш, якканутқда 12 тагача гап айтиш дастурий талабларда кўрсатилгандир. Ўқиганда 3-4 фоиз нотаниш сўзли матнни луғатсиз ўқиб тушуниш, уларни маъносини матн орқали ёки потенциал лексика ёрдамида

фаҳмлаб, пайқаб олиш, нотаниш сўз миқдори юқоридагилардан кўпроқ учраганда, луғат билан ўқиб тушунишга эришилади.

VIII синфда ҳамма актив грамматик ҳодисалар деярли ўрганиб бўлинади. Ўқишнинг салмоғи ошиб бориши матн ҳажмининг катталашishi, ўқишнинг умумий кўламининг кенгайishi, асосан, уйда овоз чиқармай ўқиш кабилардан намоён бўлади. Танишув ўқиш шакллантирилади. Бу даврда уйда ўқиб ёзма таржима қилиш ўргатилади ва у синфда текширилади. Ёзув бўйича кичик-кичик иншолар машқ қилинади.

V-VIII синфда “Теварак-атроф”, “Ватанимиз” ва “Тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақида”ги мавзулар гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув нутқ фаолиятларига асос бўлади. Ўрганилган лексик ва грамматик материал тўлиғича актив минимумни ташкил қилади.

Ўрта босқичда нутқ кўникма ва малакаларининг маълум даражада эгаллаш яқунланади. Хуллас, ўрта босқичда ўрганилган оғзаки нутқ материали ва мавзулари юқори босқичда ҳам гапириш ва ёзувга асос бўлиб хизмат қилади.

Чет тил ўқитиш мактаб курси яқунландиган юқори босқичнинг ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Мазкур босқичда асосан таълим дастурида нутқ малакаларига қўйилган якуний мақсадлар амалга оширилади. 16-18 ёшли мактаб ўқувчилари учун матнлар ўқиш бирламчи вазифага айланади.

Ўрганиладиган грамматик ҳодисалар энди пассив минимумга киради, яъни тинглаб ёки ўқиб тушуниш пайтида таниб олишга мўлжалланади. Илгари бир маънода ўзгартирилган аслида полисемантик сўзларнинг янги-янги маънолари очиб берилади. Мазкур босқичда лексиканинг тенг ярми актив ва қолган қисми пассив тарзда ўзлаштирилади.

Ўқиш бирламчи амалий мақсад ҳуқуқини олади. Тинглаб тушуниш ва гапириш малакалари ўқилган материал ҳамда ўқиш мавзуси асосида ривожлантирилади. Аксарият якканутқ машқлари матн мазмуни доирасида

бажарилади. Жуфтнутқ машқлари нисбатан камаяди. Оғзаки нутқнинг илгарилаши мезони бу даврда ўз аҳамиятини йўқотади [11: 35].

Матнларга қўйиладиган талаблар кучайиб бориб, матннинг тили мураккаблашади, китобий услубдаги ёзма матнлар асосий ўринни эгаллайди, мослаштирилган парчалардан ташқари аслиятдаги матнларни ҳам ўқиб боришга эришилади. Бадиий адабиётлардан олинган парчаларда тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳаётига тааллуқли илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий матнлар салмоғи кўпайди. Матбуот (газета, журнал)дан мақолалар танлаб ўқитила бошланади. Улар мутолаа туридаги ўқишга мўлжалланади.

Уйда ўқиш билан астойдил шуғулланиш бошланади. Ўқиш фаолиятини ўргатишда матн олди ва матндан кейинги машқлар синфда бажарилади. Синфда ўқиладиган матнлар эса ҳажман кичик бўлиб, ичда ўқиш тезлигини оширишни машқ қилиш учун тавсия қилинади.

Аввалги босқичларда унчалик кузатилмаган тил ўрганишида онглилик кучайтирилади. Ўқилиш қоидалар, маълум маънода системага солинади. Юқори синф ўқувчилари янги сўзларни ўзлари мустақил (ёки луғатдан фойдаланиб) ўқийдилар ва ўрганадилар. Грамматик билимлар ҳам қоидаларда умумлаштирилади.

Юқори синфларда танишув ўқишга кўпроқ матнлар берилиб борилади. Кузатув ўқиш қисман бажарилади. Ўқиш туридан қатъий назар янги ва фойдали ахборот олиш юқори синф ўқувчиларининг доимий машғулотларига айланиб боради. Чет тил таълими дастурида қайд қилинганидек, ўрта мактаб битирувчисидан чет тилда ўқиш фаолиятдан келажакда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши талаб этилади, бинобарин, ўқиш юқори босқичда етакчи амалий мақсад мақомини эгаллайди.

Уч босқичли мажбурий таълим курсини ўтган мактаб ўқувчиси дастурий талабларга кўра гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув малакаларини эгаллаб, ҳаётини эҳтиёж туғилганда ўқиб ахборот олишга тайёрланади.

I.3. Ўрта мактабларда инглиз тили ўқитиш мақсадларининг таҳлили

Ўрта мактабларда чет тил ўрганиш/ўргатиш ўз хусусиятига эга бўлиб, махсус ўқитиш методикасини қўллашни тақозо этади. Маълумки, ўқитиш методикаси яхлит тизим бўлиб, таълим шароити, мақсади, мазмуни, методи, воситаси каби таркибий қисмлардан иборатдир.

Қуйида тадқиқотимизда ўрта мактабларда чет тил ўқитиш мақсадлари ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, ҳар қандай мақсад эҳтиёж туфайли пайдо бўлади. «Мақсад» бу-эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао, тасаввурдаги натижадир. “Мақсад”–бу таълимда умумий йўналиш бўлиб, бирор муайян вазифани ҳал этиш режасидир. Таълим мақсадларини тушуниб этиш ўқитишнинг умумий йўналиши(мазмун, метод, принциплар)ни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Чет тил ўргатиш мақсадлари бўйича бугунги кунгача жуда кўп илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва уларни амалий, умумтаълимий, тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи мақсадлар деб эътироф этилган [12: 90].

Ушбу мақсадлар деярли барча ўқув юртлари методикасида учраб, чет тилларни ихтисос сифатида танлаган талабалар учун қўшимча касбий (профессионал) мақсад ҳам қўйилади.

Мазкур ўқув юрти талабаларидан юқоридаги тўртта асосий нутқ фаолияти туридан ташқари қўшимча олтита фаолиятни эгаллаш ҳам талаб этилади. Улар қуйидагилар: чет тилдан она тилига оғзаки-ёзма таржима ва она тилидан чет тилга оғзаки-ёзма таржима, ўзга шахс нутқини айтиб турганда ёзиш, график матнни мазмунини бошқаларга етказиш учун овоз чиқариб ўқиш.

Ўрта мактабларда инглиз тилини ўргатишдан мақсад–ўрганилаётган тилдан фикр алмашиш воситаси сифатида фойдаланиш малакаларини шакллантириш, ўқувчиларни билиш фаолиятини ошириш, уларда ақлий ва тарбиявий малакаларни ҳосил қилишдан иборатдир.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, ўрта мактабларда чет тил амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларда ўргатилади. Барча кўзланган мақсадлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, таълимда бир-бирини тақозо этади.

I.3.1. Инглиз тили ўқитишнинг амалий мақсади

Амалий мақсаднинг маъноси чет тилдан амалда, турмушда фойдаланишга ишора қилади. Тилни амалий мақсадда ўрганиш атамасига чет тил ўқитиш методикасида турли таъриф ва тавсифлар берилган бўлишига қарамадан, педагог ҳамда ўқитувчилар орасида тилни амалий мақсадда эгаллаш деганда, оғзаки нутқ ёки гапириш фаолияти деб тушуниш каби хато фикрлар ҳозиргача ҳам мавжуддир. Бундай тушуниш нотўғри талқинлардан бири ҳисобланиб, ахборот бериш ва қабул қилиш, нафақат, оғзаки нутқ(гапириш, тинглаб тушуниш)да, балки ёзма нутқ (ўқиш, ёзув) орқали ҳам амалга ошиши мумкин [12: 56-57].

Амалий мақсад атамасини тўғри англаш учун «тилни амалий эгаллаш» тушунчаси моҳиятини таҳлил қилишга зарурат туғилади. Сабаби, мазкур тушунчани бугунги кунда ҳам юқоридаги каби нотўғри талқин қилиш ҳолатлари учраб турибди. Бунинг сабаби дидактик ўқув предметларининг ўзига хос хусусиятларини тўғри тушуна олмаслик ёки аниқлай олмасликдандир.

Қуйида биз илмий-тадқиқотимизда ўрта умумтаълим мактабларида тилга оид ўқув предметларини, жумладан, инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларига тўхталишни жоиз деб топдик. Бу омил тилни амалий мақсад эгаллаш тушунчаси моҳиятини очишга ёрдам беради.

Маълумки, ўрта мактабда таҳсил оладиган ўқувчилар, одатда, уч тилни ўрганадилар: она тили, иккинчи тил ва чет тил (инглиз, немис, француз ва ҳ.к.з.)лардан бирини.

Она тили тафаккур шаклланишида муҳим роль ўйнайдиган тил бўлиб, кишилар теварак-атрофни она тили ёрдамида идрок этиб тушунади ва

кишилар билан мулоқотга киради. Она тилини меъёрида эгаллаган шахсгина иккинчи ва чет тилларни осон ўргана олади, акс ҳолда, баъзи тилга оид қийинчиликларни вужудга келиши кузатилиши мумкин.

Ўрта мактабларда она тили том маънода саводли, яъни ўқишда кўникма ва малакага эга бўлган, оғзаки ҳамда ёзма нутқни биладиган кишиларни тайёрлашни таъминлайдиган восита тарзида ўргатилади. Шу билан бирга, она тилини яхши билиш мамлакат ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишга ёрдам беради ҳамда бошқа шу каби мақсадларга эришишда восита ҳисобланади. Бинобарин, ўрта мактаб шароитида ўқитувчининг бутун эътибори ўқувчилар нутқини оғзаки ва ёзма турларини шакллантиришга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, ўрта мактабларда ўқувчилар ўз она тилида нутқий мулоқот воситаларини ўзлаштирган бўлишлари талаб этилади [6: 90].

Она тили ўқитиш методикасида «амалий эгаллаш» тушунчаси, одатда, бирорта қоидага суянмай, тилнинг у ёки бу фактини амалиёт, машқ қилиш йўли билан эгаллаб олиш деган маънони билдиради.

Она тилидан кейин ўрганиладиган ҳар қандай тилга “иккинчи тил” мақоми берилади. Иккинчи тилга бошқа миллат вакиллари билан иборат қардошлар, қўшнилар тили сифатида қаралади. Мамлакатимизда “иккинчи тил” тушунчаси ўзбекча ўқийдиганлар учун рус тили, рус тилида таълим олувчилар учун эса ўзбек тили назарда тутилади. Уни ўрганишда ҳам ўзига хос қийинчиликлар пайдо бўлди. Олдин ўзлаштирилган биринчи тилнинг ёрдам бериши (транспозиция) ёки халақит қилиши (интерференция) ҳоллари юз беради. Бу икки методик ҳодисалар ҳақида тадқиқотимизнинг қуйи қисмларида фикр юритамиз. Ўрта мактаб дастурий талабларига кўра иккинчи тилда нутқ малакалари ва тилшунослик маълумотлари ўргатилади. Иккинчи тилни ўрганиш она тилидаги тажрибага суянишни тақозо этади ва ўз навбатида чет тилни ўрганишга ўзининг тегишли таъсирини ўтказди.

Чет тил, жумладан, инглиз тилини ўргатишда ахвол умуман ўзгача. Чет тил асосан тилнинг фонетик, грамматик ва лексик томонларини хис этиш орқали ўрганилади ҳамда тил ўрганиш кўп ҳолларда сунъий муҳитда ўтади.

Чет тил ўқитишнинг психологик қонуниятларидан келиб чиқиб, ўрта мактаб таълимининг барча босқичлари бўйича етакчи мақсадлар кўрсатиб ўтилган.

Ўрта мактабнинг бошланғич босқичида (5–6 синфлар учун)–оғзаки нутқ, ўқиш, ёзув, ўрта босқичда (7–8 синфлар учун)–ўқиш, оғзаки нутқ, юқори босқичда)–ўқиш, оғзаки нутқ каби малакалар етакчи мақсадлар вазифасини ўтайди [23:55].

Амалий (коммуникатив) мақсад ўқувчилардан тилни алоқа (муомала) воситаси сифатида ўрганишни, ундан фикр алмашиш воситаси сифатида фойдаланиш малакаларини шакллантиришни назарда тутаяди.

Демак, ўрта мактаб таълимида инглиз тилидан кўзда тутилган мақсад–коммуникатив мақсадни амалга оширишдан, яъни ўқиш, оғзаки нутқ ва ёзув каби амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришдан иборат экан.

Қисқаси, ўрта мактаб шароитида она тилини ўқитишда мақсад тил ва тафаккурни ўстириш ҳисобланса, рус ва инглиз тилларидан эса фикрни ифодалашнинг янги усуллари эгаллашдан иборатлиги маълум бўлмоқда.

Инглиз тили ўқитиш методикасида “амалий мақсад” юзасидан методист олимларнинг фикри бир хил эмас. “Амалий мақсад” атамасини ихтисос талаби ёки шахснинг қизиқишига қараб, кейинчалик янада мукамалроқ ўрганиб олишга имкон берувчи тилни касбий даражага етарли бўлмаган ҳолатда эгаллаш маъносида қабул қилишган[33: 436; 30: 112-113]. Айни чоғда чет тилни нокасбий даражада билиш барча нутқ фаолияти турларини ўрганиш, деб изоҳланади [21: 69 – 74].

Яна бир нуқтаи назарга биноан ҳамма ёки айрим нутқ фаолияти турларини билиш деган, мулоҳаза ҳам айтилади [9: 373]. Баъзи методистлар чет тилда мулоқот қилиш, деган оддийгина таърифни берадилар [4: 222].

Яна бир талқинга кўра чет тилда оғзаки ва ёзма мулоқот юритиш деганда, ўқувчиларнинг нутқий коммуникатив фаолиятини эгаллашлари тушинилади. Ушбу тушунчанинг навбатдаги шарҳланиши-оғзаки ҳамда ёзма шаклда (маълум меъёрда) ўз фикрини баён этиш ва ўзгалар фикрини тушуниш малакаларини ҳосил қилишдир.

Мазкур талқинга ўхшаб кетадиган-оғзаки ва ёзма шаклда ўзгалар фикрини тушуниш, ўз фикрини баён этиш кўникма ҳамда малакаларини шакллантиришдек таъриф ҳам берилган. Бу тушунчага чет тилдаги маданиятни ўргатиш, деб қаровчилар ҳам бор [25: 110].

Хулоса қиладиган бўлсак, амалий мақсад атамасига чет тилда ўзгалар нутқини тушуниш ва ўз фикрини баён этиш, яъни нутқий мулоқот юритиш деган умумлашган таъриф-тавсиф мос келади.

Ўрта мактабларда инглиз тилини амалий мақсадда ўрганиш-ижтимоий-сиёсий, ўқув-таълимий, мамлакатшуносликка оид матнларни ўқиш, дастур доирасидаги тил материали асосида оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир. Ёзув ва таржима фаолиятлари юқоридаги малакаларни эгаллашда восита вазифасини бажаради. Амалий мақсад умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни рўёбга чиқишида асос ва шароит вазифасини ўтайди.

Қисқаси, инглиз тилини амалий ўрганиш ушбу тил ёрдамида керакли ахборотни олиш ва бошқаларга етказиш маъносини билдиради. Ўзлаштирилган ахборот ўқувчиларни билим савиясини ошириш, уларни тарбиялаш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилади.

I.3.2. Инглиз тили ўқитишнинг мақсадлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ўрта мактаб таълим тизимида таълим ва тарбиянинг миллий шаклларида фойдаланишга кенг имкониятлар яратиб берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессиясида таълим ва тарбияни ривожлантириш, ислоҳ

қилиш, интеллектуал ҳамда маънавий кучларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилган [2].

Бугунги куннинг талаби шунчаки билим эгасини эмас, балки ижодкор, ўз истеъдоди билан ажралиб турувчи инсонни тарбиялашни тақозо этмоқда.

Илмий-тадқиқотимиздаги ўқув юрти ҳисобланмиш–ўрта мактабларда ҳам юқоридаги мақсадларни амалга ошириш зарур вазифалардан бири этиб белгиланган. “Таълим тўғрисидаги Қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ўрта умумтаълим мактабининг асосий вазифаси этиб-шахснинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиш қобилиятларини ҳар томонлама камол топтириш, имкони борича таълим ва тарбия олишда қулай шароитлар яратиш, шунингдек, ўқувчиларда миллий ғурур ҳамда ахлоқ-одобни шакллантириш лозимлиги алоҳида таъкидланган [3:4]. Бу мақсад мазкур ўқув юртида таълим дастурига киритилган фанларни ушбу мақсадга бўйсундиришни тақозо этади.

Ўрта умумтаълим мактабларида мажбурий ўқув предмети ҳисобланган инглиз тили ҳам бошқа фанлар қатори ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш, уларни ривожлантиришда ўз улушини қўшади.

Инглиз тили предметида кўзланадиган таълимий мақсад ҳақида фикр баён қилишдан, аввал, унинг дидактикадаги талқини ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар ҳақида бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз.

Таълим билиш фаолиятнинг тури сифатида дидактикада бир неча маъноларда талқин этилади. Таълим-(а) ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш; (б) уларда дунёқараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш; (с) ўқувчиларни муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли, чин инсон бўлишига эришиш; (д) уларнинг турли қобилиятларини ўстиришдан иборат мақсадларни кўзда тутати.

Умумтаълимий мақсад ўқувчиларга чет тил ўрганиш жараёнида таълим бериш орқали амалга оширилади. Маълумки, ўрта мактабларда чет тил учинчи тил мақомида ўрганилишини юқорида таъкидлаб ўтдик.

Мажбурий ўқув предмети ҳисобланмиш чет тил бошқа фанлар қатори таълим беришда ўз улушини қўшади.

Биз ўрганилаётган чет тилга оид материални шартли равишда куйидагиларга бўлишимиз мумкин.

- а) талаффуз материалга оид билимлар;
- б) лексика материалга оид билимлар;
- с) грамматик материалга оид билимлар;
- д) орфографик материалга оид билимлар.

Юқорида кўрсатилган билимлар мактаб ўқувчиларига маълум тизим ва кетма-кетлик асосида бериб борилади. Талабаларнинг она тили ва иккинчи тилда эгалланган билимлари чет тилдаги билимларга ўз таъсирини кўрсатади. Натижада тиллараро ижобий (транспозиция) ва салбий таъсир (интерференция) ҳодисалари келиб чиқади.

Ижобий таъсир ҳодисаси талабаларни чет тилдаги билимларни эгаллашларида ижобий ёрдам беради.

Салбий таъсир ҳодисасида эса чет тилдаги билимларни эгаллаш жараёнида халақит хавфи туғилади ва бу хавф тўғрисида ўқувчилар олдиндан огоҳлантирилади. Шу билан ўқувчиларни йўл қўйиши мумкин бўлган тил ва нутқ хатоларининг олди олинади.

Чет тилни билиш ўқувчиларнинг филологик тайёргарлигини оширади, тилларни ўрганишда ёрдам беради. Умумтаълимий мақсад ўқувчилар тафаккурини ўстириш, уларнинг тил тажрибасини бойитишни назарда туттади. Она тили, иккинчи тил ва чет тилнинг муштарак ҳамда тафовутли томонларини билиб олиш ўқувчи билимини бойитади. Бундан ташқари, ўқувчилар тили ўрганилаётган мамлакатларининг маданияти, тарихи, адабиёти, урф-одати ва анъаналаридан воқиф бўлади. Тилнинг маданият хазинаси кумулятив вазифасидан баҳраманд бўлади [12: 89].

Чет тил ёрдамида икки хил мазмундаги ахборот олинади. Биринчидан, мазкур тил ҳодисасига доир тушунча, қоида яъни содда назария ўрганилса, иккинчидан, шу тил воситасида ифодаланган ахборотлар ўзлаштирилади. Яратилган шароит доирасида тил ҳодисаси унга оид қоида ва нутқ (матн) мазмуни билан боғлиқ умумтаълим объектлари шу мақсадга бўйсундирилади. Булар таълимий мақсад мазмунини ташкил этади.

Демак, таълимий мақсаднинг вазифаси ўқувчиларни керакли билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш бўлса, тарбия эса ёш авлодни жамиятимизда қабул қилинган одоб-ахлоқ мезонларига мос келадиган эътиқод, ахлоқий малака ва кўникмаларни, эҳтиёж ва интилишларни таркиб топтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши халқимиз ҳаётида улуғвор воқеаларда бири ҳисобланади. Энди халқимиз ўзининг бой тарихи, маданияти, урф-одатларини ўрганиши, тарғиб қилиши, ўзлигини таниш имкониятига эга бўлди. Бу воқеадан сўнг кўп сонли ўқитувчи жамоалари олдида Ватан равнақи учун ҳормай-толмай хизмат қиладиган Ватан йўлида, ҳатто, жонини ҳам аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси кўндаланг қўйилди.

Биз тадқиқотимизда тарбия, ундан кўзда тутиладиган мақсад ва вазифалар ҳақида фикр юритишни жоиз деб топдик. Хўш, “тарбия” ўзи нима? Ўрта мактабларда тарбиядан қандай мақсад ва вазифалар кўзда тутилади?

Ўрта мактаб дунёқарашнинг шаклланиши, эътиқоднинг мустаҳкамланиши учун ўта муҳим босқич ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу давр нафақат шаклланиш учун, балки, уларни ўзгартириш учун ҳам қулай даврлардан биридир.

Тарбиявий мақсад чет тил предметининг тарбиявий аҳамияти билан ифодаланади. Ўрта мактабларда инглиз тили фанидан ўқувчилар фақат билим, кўникма ва малакаларни эгаллабгина қолмай, балки улар ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб тарбияланадилар. Инглиз тили фанидан билим,

кўникма ва малакаларга эга бўлиш асосида уларда меҳнатга муҳаббат, меҳнат аҳлига хурмат, Она Ватан ифтихори, дўстлик, ўртоқлик туйғулари камол топади. Шунинг учун инглиз тили фани, хатто ундаги айрим мавзулар ҳам шубҳасиз тарбияловчилик хусусиятига эгадир. Бугунги кунда баркамол инсонни тарбияламай туриб, ҳаётнинг ҳеч қайси қатламида кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги эндиликда ҳаммага аён. Ёшларга таълим-тарбия беришдан кўра муқаддасроқ иш йўқ. Зотан, ҳаёт ва турмуш раванқини таълим-тарбиясиз тасаввур этиш мумкин эмас. Мамлакатимиздаги ўқув муассасасининг мулкӣ мансублигидан қатъий назар, у комил инсонни тарбиялаш ишига қаратилган бўлиши лозимлиги меъерий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган [8].

Комил инсон-ватанпарвар, халқпарвар, маънавий бой, ахлоқан покиза, бағрикенг, эзгулик, яхшиликни, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва шарқона андишани қалбига жо қилган, ҳамда ўз тарихи, миллий қадриятларини билувчи, эъзозловчи инсондир. Шу билан бирга комил инсон жаҳон цивилизациясидаги энг илғор фан ютуқларидан бохабар, жаҳон маданиятидаги умумбашарий ғоялар билан суғорилган фикрлар билан қуролланган замонавий инсон. Бундай инсонни тарбиялашда чет тил предмети муҳим аҳамият касб этади.

Бу мақсад асосан икки йўл билан рўёбга чиқарилади. Биринчидан, тил ўрганувчининг таълим жараёнида бевосита тарбияланиши кузатилади (шу тилда саломлашиш, хайрлашиш, теварак–атрофга муносабат билдириш), иккинчидан, тингланадиган, айтиладиган, ўқиладиган ва ёзиладиган чет тил материали мазмунида шундай тарбиявий жиҳатлар мавжудки, улар ўқувчини маърифатга етаклайди, унинг маънавий эҳтиёжини қондиради. Чет тил таълими орқали ўқувчиларни тарбиялаш:

а) дарсда; б) дарсдан ташқари ишлар жараёни(турли тадбирлар ўтказиш)да олиб борилади.

Демак, юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, таълим ва тарбия доим ўқувчиларга чет тилда бир бутунликда сингдириб борилади. Мактабларда таълим ва тарбия ўқувчиларга билим бериш билан кифояланиб қолмай, уларнинг барча қобилиятларини шакллантиришни назарда тутди. Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларнинг идрок, хотира, тафаккур, нутқ сезгилари, диққат, ҳаёл ва ирода каби индивидуал ҳамда психологик қобилиятлари ўсади. Ўқувчилар таълим-тарбия таъсирида ўсиб, юксак камолот даражасига етишишлари мумкин. Шунинг учун ҳам ўқувчилар психикасини ўстирувчи барча омиллар ичида таълим ва тарбия асосий, етакчи ва ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Ривожлантирувчи мақсад чет тилни ўрганиш жараёнида ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириб бориши билан белгиланади. Чет тилларни ўрганиш ўқувчилар тафаккурини ўстиради, уларни ижодий ўйлашга ўргатади, мантиқий фикрлаш малакаларини шакллантиради, хотирани мустаҳкамлайди, мустақил ишлаш қобилиятларини яхшилади.

Ривожлантирувчи мақсаднинг маъноси таълим-тарбия шахсни камолотга эриштирадиган жараёндир ва шу билан бирга жамиятни такомиллашувини таъминловчи омил эканлиги ғоясига асосланади. Ўқувчининг ақлий, хиссий ва мотивацион (ички туртки, интилиш) жиҳатларини ривожлантириш орқали унинг ҳис-туйғуларини камол топтириш, ташқи таъсирни сезгилар ҳамда анализаторлар ёрдамида идрок эта олиш, фаолият мотивациясини кучайтириш ушбу мақсаднинг туб моҳиятини акс эттиради.

Ривожлантирувчи мақсад нутқий амаллар орқали рўёбга чиқади. Таълимий мақсаддан унинг фарқи шундаки, олинadиган маълумот мазмунининг амалиётига татбиқи ва уни олиш малакалари ривожлантирувчи мақсад доирасига киради. Таълим ва тарбия эса ақлий ривожлантиришнинг асосидир. Чет тил ўргатишда амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва

ривожлантирувчи мақсадлар мужассам узвий боғланишли тизим ҳосил қилади.

Қисқаси, таълим ва тарбия беришни, ўқувчиларни умумий ривожлантиришни бир бутунликда амалга ошириш зарурдир. Бинобарин, ўқув фанларининг барчаси, жумладан, инглиз тили предмети ҳам, шубҳасиз, таълим/тарбия ва ривожлантирувчилик характерига эгадир.

II БОБ. Ўрта мактабларда инглиз тили ўқитиш мазмунининг лингводидактик талқини

II.1. Инглиз тили ўқитишнинг мазмунининг методик тавсифи

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ўрта умумий таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида [4] мамлакатимизда ўрта умумий таълимни тубдан янгилаш, уни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари даражасига кўтариш, таълим тўғрисида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий негизи эканлиги қайта-қайта уқтирилади. Бу ислохотлар, биринчи навбатда, биздан ўрта мактабларда “таълим мазмуни”ни тубдан янгилашни, уни жаҳон андозалари даражасига кўтаришни талаб этади. Бу ўз навбатида, таълим мазмуни таркибига кирувчи “ўқитиш мазмуни”ни илмий категория сифатида амалий ва назарий жиҳатдан таҳлил этишни тақозо этади.

Ўрта мактабларда “ўқитиш мазмуни” тушунчасининг тавсифига оид фикрларни билдиришдан олдин мазкур тушунча ҳақидаги айрим мулоҳазаларни келтиришга тўғри келади.

“Ўқитиш мазмуни” тушунчасининг назарий ва амалий масалалари узок вақтлардан бери педагог-дидактларни ҳам, методист олимларни ҳам қизиқтириб келмоқда. Мазкур мавзуга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида “ўқитиш мазмуни” тушунчасига турлича таърифлар берилган [30]. Биз ҳам қуйида ана шу билдирилган илмий фикр ва мулоҳазаларни тадқиқотимизда яна бир бора келтиришни жоиз деб топдик.

Кўпчилик тадқиқотчилар “ўқитиш мазмуни” деганда, маълум ўқув юрти олдида турган вазифаларга мос тушадиган, ўрганиладиган тилни эгаллаш сифати ва даражаси учун зарур ўқув материални тушунадилар [15], яъни улар ўқувчиларни ўргатиш учун керак бўладиган ҳамма нарсаларни ушбу тушунча қамровига киритиш мумкин деган фикрни илгари сурадилар. Яна бир бошқа талқинга кўра, унга муайян мавзулар доирасида чет тил

бирликларини қўллаб, нутқ малакаларини шаклланишини таъминлашга мўлжалланган методик ҳодиса–деб, таъриф берадилар. «Ўқитиш мазмуни» таркибига кирадиган қисмлар ҳақида ҳам тадқиқотчиларнинг фикрлари турличадир: (1) уни уч қисмдан, яъни ўрганилиши кўзда тутилган, ўқувчиларни ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган билим, кўникма ва малакалар тизими, (2) беш қисмдан, (3) тўрт қисмдан, яъни, а) ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билимлар тизими; б) шундай билимларга мувофиқ келадиган амалий малака ва кўникмалар тизими; в) ўқувчиларни ижодий фаолият усулларига ўргатиш тизими; г) ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатлар тизими, (4) олти қисмдан, (5) икки қисмдан иборатлигини эътироф этувчилар мавжуд.

Ушбу нуқтаи назарлар орасида “ўқитиш мазмуни”ни уч қисмдан ташкил топганлиги ҳақидаги фикрлар, бизнингча, атрофлича илмий асосланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мазкур фикр тарафдорлари “ўқитиш мазмуни” камровига ўқитиш мавзулари, нутқ фаолияти кўникма ва малакалари ҳамда тил материли каби таркибий қисмларни киритадилар. Мазкур методик атаманинг юқоридаги таркибий компонентлари ҳақида тадқиқотимизни қуйи қисмларидаги параграфларда батафсил фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

II.2. Ўрта мактабларда нутқ мавзулари танлашнинг методик мезонлари

Юқоридаги илмий-тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, “ўқитиш мазмуни” тушунчасининг биринчи таркибий қисми “нутқ мавзулари”дир. Маълумки, инглиз тили ўқитиш методикасида ўқитиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, “нутқ мавзулари” танланади.

“Нутқ мавзулари” тилдан ташқари (экстралингвистик) ҳодиса бўлиб, инглиз тили ўқитиш методикасида ҳозиргача мукамал тадқиқ этилмаган соҳалардан биридир. Шунга қарамай, турли ўқув юртлари учун чет тил ўқитиш бўйича дастурларда давр талабига маълум маънода жавоб берадиган “мавзулар тизими” тавсия этилганлигига дуч келиш мумкин.

Улар асосан чет тилдан мутахассислик бермайдиган ўқув юрт(боғча, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи, нолисоний олий ўқув юрт)лари учун чегараланган ва мутахассислик берувчи хорижий тил олий ўқув юртлари (факультетлари)да чегараланмаган тематик минимум асосида ўз аксини топган.

Илмий-тадқиқотимиздаги ўқув юрти ҳисобланмиш-ўрта мактаб ўқувчиларидан, асосан, ўз суҳбатдошлари билан ижтимоий-маиший, маданий, ўқув-таълимий соҳаларда мулоқот қилиш малакаларини эгаллаган бўлишлари талаб этилади. Шу мақсадларда мазкур ўқув юрти учун оғзаки нутқ ва ўқиш учун қуйидагича мавзуларни тавсия этиш мумкин.

Мазкур ўқув юрти учун “оғзаки нутқ” мавзулари асосан уч ном билан юритилади: (1) “Ўқувчи теварак-атрофи”, (2) “Ватанимиз”, (3) “Тили ўрганилаётган мамлакат(лар)”. Юқоридаги оғзаки нутқ мавзулари учун асосан қуйидаги тахминий мавзуларни асос қилиб олиш мумкин:

- Вақт. Календар (кеча ва кундуз, ҳафта кунлари, ой, йил);
- Табиат ҳодисалари. Об-ҳаво, йилнинг тўрт фасли, табиатнинг асосий ҳодисалари;
- Оила. Таржимаи ҳол, оила аъзолари, оила яшайдиган уй, касб-хунар;
- Озиқ-овқат. Овқат турлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, дастурхон тузаш, идиш-товоқлар, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш, уйда ва ошхонада овқатланиш, овқат тайёрлаш;
- Ўқувчининг ўқиши ва ҳаёти. Ўқувчининг иш куни, шаҳар ва унинг атрофида дам олиш, коллеж ҳаёти, бўш вақтда севимли машғулот билан шуғулланиш;
- Турар-жой. Хонадон, уй жиҳозлари;
- Кийим-кечак. Кийим-кечак турлари ва уларни харид қилиш;
- Шаҳар ва қишлоқ мавзуси бўйича. Менинг қишлоғим ёки шаҳрим. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари;
- Байрамлар бўйича. Мамлакатимизда ва тили ўрганилаётган мамлакат(лар)даги байрамлар. Мустақиллик куни, Билимлар куни,

Ўқитувчилар байрами, Янги йил, Наврўз байрами, Хотира ва Қадрлаш куни ва ҳ. к. з.;

-Театр, театрға бориш. Севимли спектакль ва актёрлар;

-Географияга оид мавзулар. Ўзбекистон Республикаси пойтахти ва шаҳарлари, тили ўрганилаётган мамлакат(лар) пойтахти ва уларнинг диққатга сазовор жойлари. Шаҳар транспорти;

-Дам олиш. Мамлакатимизда ва тили ўрганилаётган мамлакат(лар)да дам олишни ташкил этилиши. Таътилни ўтказиш;

-Саёҳатга бориш. Саёҳат қилиш воситалари (Автобус, поезд, денгиз порти, аэропорт орқали);

-Спорт. Мамлакатимиз ва тили ўрганилаётган мамлакат(лар)да спорт ва спорт турлари. Саломатлик ва спорт;

Бундан ташқари, ўқиш учун юқоридаги мавзулар доирасида ижтимоий-маиший, сиёсий, бадий соҳаларда мавзулар ҳам танланади.

Ўқиш учун қуйидаги соҳалар бўйича мавзулар(тематика)ни тахминий тавсия этиш мумкин:

А). Ижтимоий-маиший соҳа бўйича мавзулар;

Оила. Оилавий урф-одат ва анъаналар. Оилавий ўзаро ёрдам. Уй ҳайвонлари. Харид, озиқ-овқат. Мен ва дўстларим ва ҳ. к. з.

Б). Ўқув-таълимий соҳада;

Мактаб ва менинг севимли фан(предмет)им. Бўш вақт: спорт ва бошқа севимли машғулотлар. Қизиқиш бўйича машғулотлар. Келажакдаги режалар.

В). Маданий соҳада;

Шаҳар (қишлоқ) ва бошқа диққатга сазовор жойлар (музей, театр, кино, кўргазмалар). Транспорт. Тили ўрганилаётган мамлакат(лар) жуғрофияси, давлат тузилиш тизими, урф-одатлари, маданияти, фан ва техника ютуқлари ҳақида. Байрамлар. Табиат ва экология.

Юқоридаги мавзуларни танлашда қуйидаги мезонларга асосланади: (1) танланаётган мавзулар нутқ малакаларини ҳосил қилиши ва шакллантириши учун хизмат қилиши лозим. Бунда ўқитиш мақсадлари ҳисобга олинади; (2)

мавзуларни ўзлаштиришда ўқитиш шароити ва имкониятларининг мавжудлиги (гуруҳдаги ўқувчилар ва дарсларнинг ҳафталик сони) каби омиллар ҳисобга олинади. (3) мавзуларни танлашда ўзлаштиришнинг рецептив ва репродуктив хусусиятлари ҳисобга олинади. Бунинг учун юқорида таъкидланганидек, гапириш ва ўқиш малакалари учун алоҳида соҳаларда мавзулар танланади. Чет тил нутқ фаолияти туларидан тинглаб тушуниш ва ёзувнинг ўз мавзулари йўқ. Гапириш ва ўқиш мавзулари бевосита тинглаб тушуниш учун тўлиқ дахлдор, гапириш мавзулари эса инглиз тили ўқитиш курсида ёзув учун тегишли ҳисобланади. Таълим қаерда, қачон ва қандай тарзда берилишидан қатъий назар, аввало, ахборот сингдириш демакдир. Ахборот (маълумот)лар, асосан, нутқ мавзулари таркибида сингдирилади. Мактаб ўқув дастурида тавсия этилган мавзулар ўқувчиларнинг ёши, қизиқишига мос келиши, тил материали асосида уларнинг умумий савиясини кўтаришга қаратилиши, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни кўзда тутиши талаб қилинади.

II.3. Ўрта босқичда нутқ малакаларига қўйиладиган дастурий талаблар

Чет тил ўқитиш методикасида асосан репродуктив (гапириш, ёзув) ва рецептив (тинглаб тушуниш ва ўқиш) нутқ фаолиятини турларини эгаллаш фарқланади. Мазкур фаолиятлар (репродуктив ва рецептив) кўпроқ илмий-тадқиқотларда “Нутқ малакаларига бўлган талаблар” ва “Чет тилда нутқ фаолияти турларини эгаллаш кўрсаткичлари” каби атамалар билан ифодаланади. Рухшуносликда эса мазкур тушунча чет тилни эгаллаш кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат деб таърифланади. Билим эса юқоридаги кўникма ва малака таркибида сингдирилади.

Ўрта мактабларда “нутқ малакалари”га қўйиладиган талабларни ёритишдан олдин, аввало, билим, кўникма ва малака тушунчаларини фанда ёритилганлик даражасини таҳлил этишни жоиз деб топдик.

“Билим” деганда таълимнинг мақсадига мувофиқ келадиган, ўзаро бири билан узвий боғлиқ бўлган ахборотлар тушунилади. Бу ахборотлар кўпроқ зарурий талқин, тушунча, қоида ва таърифларда ўз аксини топади. Бизнингча, билимларнинг бош мезони унинг амалиётга бевосита татбиқ этилишидир. Билимлар нутқ фаолияти учун ўта зарур бўлган, уни такомиллаштириб боришда восита вазифасини бажаради.

Нутқ малакаларининг кейинги таркибий қисми-“кўникма”дир. Кўникма ҳосил қилиш иш-ҳаракат йўллари ва усулларини билиб олиш, уларни амалда қўллай билишдир.

Руҳшуносликда кенг тарқалган таърифлардан бирида кўникмани “онгли автоматлашган ҳаракат” сифатида баҳоланади. Худди шу таърифни бошқа бир талқинини таълимшуносликда ҳам учратиш мумкин: яъни “кўникма”га “у ёки бу ҳаракатда билимларни онгли ва тўғри қўллаш” деб карашлар ҳам мавжуд. Яна бир бошқа талқинга кўра кўникма “у ёки бу ҳаракатни бир хил шароитда кўп марта такрорлаш натижасида ҳосил қилинадиган онгли фаолиятдаги автоматлашган қисм” деб таърифланади. Демак, “кўникма” илгари эгалланган тажрибалар асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни онгли равишда такрорланиши ёки амалга оширилиши, машқ қилиш натижасида бажариладиган ҳаракатлар йиғиндиси дир.

Руҳшунослик ва таълимшуносликда мавжуд нуқтаи назарлардан бирида “малака” инсон олган билим ва кўникмаларни амалий фаолият чоғида собитқадамлик билан ижодий қўллай олиш қобилиятидир дейилган. Малака автоматлашган кўникма, яъни бирор ишни амалда ҳеч бир қийинчиликсиз, ортиқча билим ва ирода кучи сарфламасдан бажара олишдир. Таълим жараёнида билим, кўникма ва малакалар ўзаро узвий боғланади. Лекин бунда етакчи ролни, албатта, билим эгаллайди. Ўқувчилар билимлар асосида маълум кўникма ва малака ҳосил қиладилар.

Демак, эгалланган зарурий билимлар, аввало, кўникмага, сўнгра эса малака даражасига кўтарилар экан. Қисқаси билим асосида кўникма ва малака ҳосил бўлиши фанда анчагина тадқиқ этилган.

Бу жараёнлар “нутқий фаолият”ни вужудга келишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Чет тил ўқитиш методикасида нутқ малакалари қамровига оғзаки нутқ (гапириш, тинглаб тушуниш), ўқиш, ёзув каби нутқ фаолиятлари киради.

Ўрта мактабларнинг ўрта босқичида чет тил ўргатишдан кўзда тутилган якуний мақсад ўқишдир. Ўқишнинг шахс тарбиясидаги ўрни бекиёс бўлиб, у том маънодаги маънавий-маърифий озуқа олиш йўлидаги фаолият, ҳаракат туридир. “Ўқиш” ҳарфий белгиларда ифодаланган ёзма нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга қаратилган нутқий фаолият туридир. Ўқиш мотиви, асосан, мулоқот қилиш, мақсад эса ахборот (информация) олишдир. Ўқишнинг бундай мақоми ўқувчилардан унга инглиз тилида нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида ёндашишга ундайди ва унинг амалий аҳамиятини кучайтиради. Инглиз тили ўқитиш методикасида ўқиш мақсад ва восита мақомларида ўргатилиши жорий дастурларда кўрсатиб ўтилган [13: 120]. Биз ўқишнинг мақсад ва восита мақомларида ўргатилишини тўғри талқин этиш учун уни таълимнинг айрим босқич ҳамда ташкилий қисмларда тутган ўрнига бир оз тўхталишни жоиз деб топдик.

Ўрта умумтаълим мактабларининг бошланғич ва гапириш фаолияти мақсад мақомига, ўқиш эса гўёки, иккинчи даражада тургандек, восита вазифасини бажаради, ўрта ва юқори босқичда эса ўқишга кўпроқ эътибор қаратилади, яъни инглиз тилида ўқишни ўргатиш ўрта мактаб ўқувчилари учун якуний мақсад ҳисобланиб, унга мактаб инглиз тили таълими давомида аста-секин эришиб борилади. Демак, ўрта мактабнинг илк босқичларида ўқиш бошқа нутқ фаолияти турларини шакллантиришда восита вазифасини бажаради. Бошланғич босқичда ўқишни ўргатишда асосий эътибор ўқишнинг овоз чиқариб ўқиш турига қаратилади, шунингдек, аста-секин синфда, ичда ўқиш турлари ҳам бошлаб юборилади. Танишув ўқиш мақсадида ўқувчилар матн мазмунини тушуниш малакаларини эгаллай бошлайдилар. Ўқишга берилган матнлар таниш-ўрганилган чет тил материали асосида тузилади.

Ўрта босқичда ўқувчилар, аввало, таниш материаллар асосида аста-секин янги сўзлар киритилган матнларни ўқий бошлайдилар. Бу ўқиш тури танишув ўқиш фаолияти ҳисобланади. Бу босқичда асосий эътибор ўқиш тезлигини ошириш ва тил бирликларини ўқиганда бемалол идрок этиб тушуниш малакаларини шакллантиришга қаратилади. Мазкур босқичнинг сўнгги паллаларида (асосан VIII-синфда) ичда ўқиш сурати овоз чиқариб ўқиш туридан тезроқ бўлиши талаб этилади. Ушбу мақсадга эришишда синтетик ўқишдан ҳам кенг фойдаланилади. Ўрта босқичда аста-секин ўрганув ўқишга ҳам киришилади.

Ўрта мактабнинг юқори босқичида асосан кузатув, таништирув ва ўрганув ўқиш турларига оид малакаларни шакллантиришга ҳаракат қилинади. Демак, юқоридаги фикрлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, бошланғич босқичда-танишув ўқиш, бир маромда диққат билан ўқиш, ўрта босқичда-ўрганув, танишув ўқиш, юқори синфларда эса кузатув, танишув, ўрганув ўқиш турларига эътибор берилади ҳамда ўргатилади. Ахборот олиш мақсадида ўқиш, аввало, амалий мақсад, иккинчи тарафдан, таълимий восита эканлиги кўпгина методик адабиётларда баён этилган.

Ўрта мактабларда инглиз тилида оғзаки нутқни ўргатиш ўқитишнинг етакчи мақсадларидан биридир. Мазкур ўқув юртининг ўрта босқич дастурий талабларига, биноан, ўқувчилар инглиз тилида оғзаки ахборот беришлари-суҳбатлаша олишлари ва ўрганилган мавзуга боғлиқ инглиз тилидаги нутқни тинглаб тушуна олиш малакаларини эгаллашлари талаб этилади [14].

Инглиз тили ўқитиш назарияси ва амалиётида оғзаки нутқ ўзининг муносиб ўрнига эгадир. Оғзаки нутқнинг ўзига хос бўлган хусусияти унинг бир ёки бир неча киши томонидан амалга оширилишидир. Шунинг учун бу нутқни назорат қилиш анчайин қийин. Чунки, у бир ёки бир неча кишилар томонидан амалга оширилади. Нутқнинг оғзаки шакли тўхтам, урғу, оҳанг ва товушлар орқали тингловчига этиб бориши кузатилади.

Маълумки, оғзаки нутқ гапириш ва тинглаб тушуниш каби турлардан иборатдир. Гапириш нутқ фаолиятининг тури сифатида, оғзаки фикрни баён этиш, яъни бирор фикрни баён этиш мақсадида муайян тилдаги лексик, грамматик ва талаффуз ходисаларини қўллашдан иборатдир [12: 78].

Гапириш оқибатида фикр баён этилади. Фикрни баён этиш нияти (ички турткиси) эса гапиришга сабаб бўлади. Инглиз тили ўқитиш методикасида гапириш тушунчасига фикрни баён этиш жараёни, айтиш, оғзаки мулоқот, фикр изхори натижаси деб ҳам қараш мумкин.

Яна гапиришга у ёки бу тил коди ёрдамида оғзаки шаклда амалга ошадиган фикр ва ҳиссиётнинг ифодаси деган ҳам таъриф берилган [12: 80].

Гапириш ўқитиш методикасида асосан учта вазифани бажаради: таълимнинг амалий мақсади, таълим ва алоқа воситаси.

Ўқувчиларга инглиз тилида гапиришни ўргатиш ўрта умумтаълим мактабларида оралиқ мақсад саналади, яъни таълимнинг дастлабки босқичида улар гапириш ва тинглаб тушуниш(оғзаки нутқ)ни ўрганадилар, ўқиш ҳамда ёзув (ёзма нутқ) ўқитиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўрта ва юқори босқичда эса ўқиш ва тинглаб тушуниш (рецептив нутқ) “мақсад” мақомини эгаллаганда, гапириш ўқитиш воситаси мақомини эгаллайди. Шу билан бирга, у “таълимнинг воситаси” вазифасини ҳам бажаради.

Маълумки, гапириш жуфтнутқ (диалог) ва яккатнутқ (монолог) турларидан иборатдир. Гапиришнинг бу икки кўриниши бир қатор ўзига хос, бир-биридан ўзаро фарқ қилувчи хусусиятларга эгадир.

Жуфтнутқ икки ёки бир неча шахс(суҳбатдош)нинг бевосита мулоқоти натижасида, одатда, бир-бирини вужудга келтирадиган жавоблар ёки бир талай фикрлар занжиридан иборат шаклда рўёбга чиқадиган нутқдир.

Гапиришнинг яна бир тури-якканутқдир. Якканутқ бир кишининг ўз фикри, истаги, воқеаларга бўлган баҳосини озми-кўпми кенг шаклда баён эта оладиган нутқидир.

Чет тил ўқитиш методикасида тинглаб тушунишга товуш канали бўйлаб келадиган ахборот кодини ечиш(расшифровка қилиш)дан иборатдир деб таъриф берилади. Бу эса унинг оғзаки нутқ фаолиятининг рецептив турига мансуб эканлигидан далолат беради. Маълумки, тинглаб тушуниш барча анализаторлар ва сезги аъзоларининг ўзаро мураккаб алоқадорлигида ҳамда тафаккур иштирокида содир бўладиган ўта мураккаб нутқ фаолияти тури ҳисобланади. Тинглаб тушунишда қулоқ нутқ органлари ва механик воситалардан чиққан тўлқин(тебраниш)ларни қабул қилади ва бош мия катта ярим шарларига узатади. Бош мия ярим шарларида эшитилган ёки тингланган товушлар анализ ва синтез каби жараёнлардан ўтади, тартибга келтирилади, қайта ишланади ҳамда баҳоланади ва, ниҳоят, эшитув идрокига айланади.

Чет тиллар ўқитиш методикаси тарихига назар ташласак, асримизнинг 60-йилларига келиб, тинглаб тушуниш нутқ фаолиятининг алоҳида тури сифатида тадқиқ қилина бошлади. Аввалари унга гапиришнинг узвий қисми сифатида қараб келинар эди. Маълумки, ўрта мактабларда ҳам ўқувчилари гапириш билан бирга, тинглаб тушуниш малакалари бўйича ҳам маълум тажриба орттирадилар. Эшитиш сезгиси ва анализатори орқали ахборот олишнинг асосий манбалари сифатида муаллим нутқи, аудиатив техникавий курулларидан магнитофон ёзуви, радио эшиттириш, овозли диафильм, кино (видео) фильм (ёки ундан парча) ҳамда телевизион кўрсатувлар хизмат қилади.

Ўрта мактабларда тинглаб тушуниш, одатда, ўқувчиларни янги материал билан таништириш ёки қайта эсга олишга тегишли нутқ мазмунини баён этиш ҳамда талаффуз ва оҳангни шакллантириш учун хизмат қилади.

Тинглаб тушуниш чет тил ўқитишда таълим мақсади ва воситаси тарзида ўрганилади. Тинглаб тушуниш мақсад сифатида тилни амалий ўрганиш-чет тилда ахборот олишни назарда тутаяди. Ўқитишдаги барча оғзаки нутқ ва ўқиш мавзулари мазмуни тинглаб тушуниш орқалигина ўзлаштирилади.

Таълим воситаси сифатида қаралганда, тинглаб тушунишнинг тил материали(лексик, грамматик ва талаффуз бирликлари)ни ўрганишда қўллаш назарда тутилади. Тинглаб тушунишнинг муваффақияти бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, улардан энг муҳимлари жумласига тингловчининг индивидуал-ёш хусусиятлари, идрок қилиш сураъати, шароити (тезлик, маълумот миқдори ва ҳажми, идрок қилиш таянчлари) ва бошқа шу кабилар киради.

Инглиз тилида “ёзув” деганда, сўзларнинг ёзиш учун тилнинг график (товуш-харф муносабати ёки ҳарфнинг маъно билдириш хусусияти) ҳамда имло (орфографик) тизимини билиш тушунилса, “ёзма нутқ” деганда, эса фикрни ўзаро муносабати талабларига мувофиқ равишда ифода этиш учун сўзларни ёзма шаклда бир-бирига боғлаш кўзда тутилади, яъни мазкур фаолият нутқий фаолиятнинг нисбатан мустақил тури тушунчасини ифода қилиб, нутқнинг репродуктив томонини ифодалайди ва фикрни грамматик ҳамда имло қоидаларига риоя қилган ҳолда ёзма баён этишни назарда туттади. Яна бир таърифга кўра “ёзув” деганда, ҳарф ва ҳарф бирикмаларидан фойдаланган ҳолда, сўзларни ясаш тушунилса, нутқда лисоний воситаларни қўллаб, инглиз тилида фикрни баён этиш “ёзма нутқ” деб ҳам аталган.

“Ёзиш” деганда эса, асосан, нутқда тил белгиларини қайд қилиш тушунилади. Яна бир таърифда “ёзиш” деганда, асосан, нутқни тил белгиларини ёзма қайд қилиш маъносини таърифланади [30: 92].

Юқоридаги фикрлардан шулар маълум бўлмоқдаки, “ёзув” деганда, ҳарфлардан сўзлар ясаш заминиде график ва имло кўникмаларини шакллантириш тушунилса, “ёзма нутқ” эса лисоний воситалардан фойдаланган ҳолда, инглиз тилида фикр баён этишни назарда туттади.

Ёзув нутқ фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, у ахборотни алоқанинг график каналини ҳисобга олиб кодлаш ёки график шаклдаги нутқнинг вужудга келишидир. Тилшунос ва методистлар инсонни ахборот олиш ва бера олиши асосан оғзаки (гапириш ва тинглаб тушуниш) ва ёзма нутқ (ўқиш ва ёзув) орқали амалга оширилади деб таъкидлайдилар.

Жорий давлат таълим стандартлари, дастурлар ва дарсликларни синчиклаб ўрганиш натижасида шуни хулоса қилиш мумкинки, инглиз тилидан ёзув ва ёзма нутқ соҳасидаги кўникма ҳамда малакалар ўрта мактабларда мунтазам сингдириб борилади .

II.4. Тил материални методологик типологияси

Чет тил ўқитиш методикасининг долзарб масалаларидан бири-“Тил материални ўргатиш мазмуни” юксак аҳамият касб этади ва фанда бирмунча тадқиқ этилган соҳалардан биридир. Юқоридаги параграфда биз ўқитиш мазмунининг таркибий қисмларидан бири тил материали эканлигини таъкидлаб ўтган эдик.

Ҳозирги замонавий чет тил ўқитиш методикасида ти материали тушунчаси асосан икки хил маънода талқин этилади:

- 1) муайян тилдаги лексик, грамматик, фонетик ва бошқа бирликлар мажмуи;
- 2) ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тил системасидан танлаб олинган тил минимуми деб аталган, бироқ ўқувчилар учун “чет тилнинг материали” ҳисобланадиган бирликлар йиғиндиси.

Мазкур тадқиқотда иккинчи маънода тушунча ҳақида сўз юритилади. Демак, хулоса қилишимиз мумкинки, учалла методик тушунча бир-биридан кескин фарқланиши лозим; (1) “чет тил ўқитиш мазмуни”, (2) унинг таркибидаги “тил материали” ва (3) ундан ажратиб олинадиган “тил материали мазмуни” ёки бошқача айтганда, “тил материали минимуми”. Ўқитиш мазмунидан лексика, грамматика ва талаффуз ҳодисалари, лексикадан лексикани ўргатиш мазмуни, грамматикадан грамматикани ўргатиш мазмуни, талаффуз материалдан талаффузни ўргатиш мазмунини ажратиб олиш, ўрганишда махсус машқлар бажариш, бинобарин, тегиши вақт ҳамда куч сарфланиши шарт бўлган тил ҳодисаларини танлаш масаласи туради.

Бунда ўқув юрти шароити(академик соатлар миқдори)га қараб, лексик минимум маълум хажм(сон)да, бўлиши талаб этилади. Грамматик ва талаффуз минимумларини танлаш эса ташкилий шароитга эмас, балки, ўқув

юртининг тури, ўқитиш мақсадлари ва ўқувчилар тил тажрибасига боғлиқ бўлади. Маълумки, методикада ҳар қайси босқич ва ташкилий шакл(ўқув юрт)лари учун алоҳида-алоҳида лексик, грамматик, талаффуз, имло, сўз яшаш минимумлари танланган. Танлаш мезонлари умумий бўлса-да, шакллантирилган тил минимумлари миқдорий ва сифат жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади. Жумладан, ўрта мактабларда тил материални методик тайёрлаш (танлаш, тақсимлаш, таснифлаш ва тақдимот) ва ўрганиш учун тақдим этилиши ўз хусусиятига эгадир. Энди тил материалнинг таркибий қисмларини кўриб чиқамиз. Жамиятда кишилар ўзлари ортирган тажрибани сўз орқали ифода этадилар. Тилдаги сўзлар мажмуи лексик системани ташкил этади, яъни маълум тилнинг луғат таркибига кирувчи сўзлар шу тилнинг лексикасини ташкил этади. Лексика юнонча *lexics* сўзидан олинган бўлиб, тилдаги барча сўз ва иборалар йиғиндиси, тилнинг луғат таркиби ҳисобланади. Тил лексикаси тўхтовсиз ўзгариб турувчи ва маълум қонунқоидага бўйсинувчи изчил ҳамда мураккаб тизимдан иборатдир. Бу нарса луғат таркибида янги сўзларнинг пайдо бўлиши ва мавжуд сўзлардан айримларини эскириб, истеъмолдан чиқиши, лексик маъносини ўзгартириб, янги маъно касб этиши каби жараёнларда кўринади. Жамият тараққиёти ва ижтимоий тизимининг ўзгариши билан узвий боғланган ҳолда, тил лексикасини бойиб бориши ҳам кузатилади. Замонавий чет тил ўқитиш методикасида лексикани ўргатиш нутқ фаолияти турларини эгаллаш воситаси сифатида талқин қилинади. Бугунги кунгача олиб борилган илмий-тадқиқотларни ўраганиш турли ўқув юртларида, жумладан, ўрта мактабларда ва олий ўқув юртларида лексик материални танлаш, уни методик ташкил қилишнинг умумий манбалари, мезонлари, тартиби каби масалаларни тадқиқ этилганлигини кўрсатади.

Ўрта мактабларда инглиз тилига ажратилган вақтнинг чегараланганлиги (соатлар миқдори) ва таълим шароити мазкур ўқув юртида инглиз тили лексикасини танлаб олинишини талаб қилади.

Чет тил ўқитиш методикасида лексикани танлаш муаммоси долзарб масалалардан бири бўлиб, тўғри методик мезонлар асосида танланган луғат захираси ўқитувчилар учун зарурий қўлланма ҳисобланиб, ўргатишда кўзланган мақсадга эришишнинг гарови ҳамдир.

Фанда ишлаб чиқилган мезонлар асосида тил макросистемасидан ўқувчи ўрганиши учун мўлжалланган микросистема яратиш ходисаси методик танлаш деб аталади. Маълумки, инглиз тили ўқитиш методикасида ўқув шароитига қараб актив ва пассив лексика танланади.

Одатда, актив минимум оғзаки жонли нутқдан, пассив минимум эса ёзма манбалардан танланади. Ўрта мактабларда актив лексик минимум 1000 га яқин лексик birlikлардан ташкил топади. Шу асосда яна мактаб шароитига қараб пассив лексик минимум танланади. Лексик минимумнинг ҳажми кўпроқ ўқув юртига ажратилган соатлар миқдорига боғлиқ бўлади.

Лексик материални эгаллаш асосан уч босқичда ўтади. Биринчи босқич янги сўз билан танишишдан бошланиб, иккинчи босқичда танишилган лексикани нутқ жараёнида қўллай бошланади, яъни бу жараён материални мустаҳкамлаш давридир. Учинчи босқичда эса ўрганилаётган сўз нутқ фаолияти турларида кўникма ва малака таркибида ўзлаштирилади. Лексик birlik юзасидан бажариладиган мазкур иш босқичларини методларга таққослаш мумкин: танишиш, машқ қилиш ва қўллаш.

Танишиш(презентация) босқичида сўзнинг шакли, маъноси ва қўлланиши юзасидан иш бажарилади. Чет тилдаги сўзни тақдим этилишидан олдин она тилидаги шунга ўхшаш сўз эса олинади. Бунга кино лавҳа ёки бирор бир расм намойиш этилиши мумкин. Намойишдан сўнг, она тили тажрибасига асосланиб, чет тилдаги сўз матнда ёки яқка тақдим этилиши мумкин. Янги сўз маъноси билан танишиш, маълумки, икки усулда амалга оширилади: таржимасиз ва таржима воситасида. Таржимасиз усул ички ва ташқи кўргазмалиликдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Янги лексик birlikни маъносини эгаллаш чоғида қўлланиладиган методик усуллар сўзнинг хусусияти, актив-пассив лексикага оидлиги, таълим

босқичи ва ўқувчилар савияси, янги сўзнинг тақдим этиладиган шакли(эшитиб ёки ўқиб идрок этиш), янги birlikни таништириш жойи (дарс, уй, дарслик луғат) каби омилларга боғлиқдир [15: 54].

Тақдимот жараёни қуйидагича ташкил этилади. Янги сўз таржимасиз усул билан ўргатилганда нарса, расм, хатти-ҳаракат намойиш қилиниб, тахминан шундай топшириқлар берилади: сўз маъносини фаҳмлаб олинг, масалан, китоб кўрсатилади ва унинг номи чет тилда жумла тарзида айтилади. Таржимасиз усул яна антоним, синоним, сўз яшаш элементлари контекст, таърифлаш орқали ҳам бўлиши мумкин. Таржимасиз усул нарса номини, унинг ҳажми, ранги ёки ҳаракатни ифодаловчи сўзларни тақдим этишда эркин қўлланилади. Ўқувчилар тушунганлигини назорат қилишда таржимасиз усуллар ишга солинади, яъни нарса ёки унинг тасвирини кўрсатиш (қалам, китоб, кўча) чет тилда «ҳа», «йўқ» жавобини бериш, ҳаракатни намойиш қилиш орқали маънони фаҳмлаганлик текширилади.

Таржимадан фойдаланиш зарурати бўлганда таъқиқ этилмайди. Таржиманинг икки тури одат бўлган. Биринчиси-оддий сўзма-сўз таржима, иккинчиси эса таржима изоҳ дейилади. Контекстдан ажратиб олинган янги сўзнинг бевосита таржимаси келтирилади. Ёки айрим ҳолларда таржима изоҳланади.

Сўз ўргатишда ноилож ҳолларидагина таржимага мурожаат қилинади. Мавҳум тушунчаларни ўргатишда таржимадан фойдаланаган маъқул. Она тилида мос келадиган сўз топилмаганда таржима-изоҳ берилади.

Инглиз тилини ўқитиш жараёнида талаффуз кўникмалари устида ишлаш оғзаки нутқ (гапириш ва тинглабтушуниш), ўқиш малакаларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, инглиз тилида фикр баён этиш учун айтиладиган жумла, товушларни талаффуз этиш ва уларни бириктириш ҳамда тегишли нутқ оҳанги(интонация)ни билиш талаб этилади.

Талаффуз эшитиш (акустик), айтиш (мотор) ва маъно билдириш (семантик) каби уч қисмдан иборат. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ижро

хусусияти мавжуд. Тилнинг фонетик жиҳатини ўзлаштириш, яъни талаффуз кўникмасини эгаллаш нутқий мулоқотнинг муҳим шартларидандир. Талаффуз кўникмасини деганда, нутқ бирлигининг тегишли товушлар орқали рўёбга чиқишини таъминловчи яхлит лисоний амал тушунилади. Инглиз тилининг талаффуз минимуми лексика ва грамматика минимумларига боғлиқ ҳолда танланади. Талаффуз минимуми ўқув юрти тури ва ўқувчилар тил тажрибасидан қатъи назар умумий бўлади. Чунончи, ўрганилаётган инглиз тили товуш, товуш бирикмалари, фонетик ходисалари ва интонация тузилиши талаффуз минимумини ташкил этади. Инглиз тили лексик-грамматик материали ичидаги барча фонетик birlikлар талаффуз минимумидан жой олиши талаб этилади. Лексика ва грамматик материал тақсимотида биринчи масала актив ва пассивга минимумларга ажратиш эди. Талаффузда фонетик материал тақсимотида эса ўзига хос хусусиятлар мавжуддир. Талаффуз тақсимланганда нутқ эҳтиёжига қатъий бўйсундирилади.

Тил материалининг яна бир мустақил таркибий қисми-грамматика ҳақида тадқиқотнинг учинчи бобида сўз юритилади.

III БОБ. Ўрта мактабларда инглиз тили ўқитишнинг ўрта босқичида грамматик кўникмаларни шакллантириш

III.1. Грамматиканинг чет тил ўрганишдаги ўрни

Грамматика тизимининг тил ўзлаштиришда тутган ўрни, унинг нутқий мулоқот бирликларини тузилишида ўйнайдиган етакчи вазифаси доимо қайд қилинаётган ҳодисадир. Мазмунли ва барчага тушунарли нутқни грамматикасиз, унинг қонун-қоидалари амалиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Нутқий фаолият жараёнида юзага келиши мумкин бўлган барча кўринишдаги сўз бирикмалари, синтактик тузилмаларни ёд олиш имкони йўқдир. Лекин, ҳар қандай қурилма заминида бирор-бир модел, намуна ётишини унутмаслик керак. Нутқий кўникмани ҳосил қилиш учун грамматик қоидаларни синтактик шаклларни яшаш нусха-моделларини ўзлаштириш керак.

Тил материалининг таркибий қисми ҳисобланган грамматика, унинг тил ўрганишда тутган ўрни бўйича илмий манбаларда турли фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Грамматика юнонча “grammatike, gramma” сўзидан олинган бўлиб, тилшуносликнинг бир бўлими, тилнинг грамматик тузилишини, яъни сўзларнинг шаклга эга бўлиш қонуниятларини, шунингдек, сўз бирикмалари ва гапларни тузиш қонуниятларини ўрганадиган бўлимдир.

Грамматика морфология ва синтаксис қисмларидан иборат бўлиб, морфологияда сўзнинг грамматик туркумлари ва морфологик категориялари, сўз шакллари, синтаксисда эса сўз шаклларининг гап таркибида ўзаро бирикиш йўллари, гап ҳамда унинг категориялари, гапнинг тузилиш турлари баён қилинади.

Демак, грамматикада сўз шакли, грамматик маъно, грамматик шакл, грамматик категория, гап ва унинг категориялари ҳақидаги тушунчалар асосий ўрин эгаллар экан.

Тилда ўзининг доимий ифодаловчисига эга бўлган, сўз шакли ва гапга хос умумлашган маъно грамматик маъно саналади.

Маълум грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган моддий восита грамматик шакл ҳисобланади. Грамматик шаклларни грамматик категорияни ташкил этган унсурлар дейиш мумкин. Аслида грамматик шакл деганда, маълум грамматик маънонинг моддий томони тушунилади [30: 92].

Чет тил ўқитиш методикаси тарихида грамматикага турлича муносабатда бўлинган. XIII асрнинг охирида XIV асрнинг бошларида чет тил ўқитиш жараёнида грамматик-таржима методи ҳукм сурган. Мазкур йўналиш тарафдорларининг мақсади тил ўрганувчиларга тил структураси ҳақида билим бериш билан уларнинг мантикий тафаккурини ўстириш бўлган. Таълимнинг асосига ёзма нутқ қўйилган. Таълимнинг объекти грамматика бўлиб, грамматика курсининг структурасини матн ва лексик материаллар ташкил этган. Ўқувчилар сўз ва қоидаларни ёд олганлар. Ўргатишнинг асосий усули таржима ҳисобланган. Демак, грамматик-таржима методи тарафдорлари тил ўрганиш деганда, асосан, грамматикани эгаллашни, ўзлаштиришни тушунганлар. Грамматика маълум тизим ва қоидалар асосида ўрганилган.

Грамматик-таржима методидан кейин чет тил таълимига кириб келган метод тарафдорлари (тўғри метод назарда тутиляпти) эса грамматик қоидаларни умуман рад қилганлар.

Онгли қиёсий метод тарафдорлари эса грамматикани ўрганишга жиддий эътибор берганлар. Мазкур методда грамматика алоҳида аспект сифатида ўрганилган. Грамматик қоидаларни системали равишда ўрганилиб, уларга оид машқлар чет тил ўргатишда мунтазам бажарилиб борилган.

Ҳозирги пайтда грамматикага тил алоқасини таъминловчи восита сифатида қаралади. Нутқ психологияси тарафдорлари грамматикани нутқ фаолияти турларини ўрганишдаги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини илмий-тадқиқотларда муфассал баён қилганлар. Уларни фикрича грамматик мавҳумотларни билмай туриб, нутқий ҳаракатларни ўзлаштириб олиш мумкин эмас. Улар грамматик қоидаларни ўрганиш ва уларни тилда амалий

қўллаш билан бирга олиб борилиши керак деган фикрни илгари сурадилар (Беяев Б. В., Артемов В. А. ва бошқалар).

Баъзи психологлар ўз тадқиқотларида нутқни шаклланишида унинг грамматик жиҳатдан қурилиши, нутқни идрок қилишда эса грамматик ходисаларни шаклларни таниб олиш муҳим эканлигини кўрсатганлар (Зимняя И. А., Леонтьев А. А., Рябова Т. В. ва бошқалар).

Чет тил ўқитиш методикасида грамматика талқинида ҳам турлича фикрлар мавжуд: Грамматикани-(1) нутқнинг грамматик томони-тилнинг гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувда учрайдиган грамматик ходисалари; (2) тил ходисаларини таърифловчи мавхумотлар деб таъриф берадилар(Ж.Ж.).

Унга (1) тилнинг грамматик қурилиши; (2) тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фанни; (3) амалий грамматикани, яъни конкрет тилга оид грамматик қоидалар, грамматик ходисалар тавсифи, грамматик кўникма ва малакалар деб қаровчилар ҳам мавжуд. (С.С)

Таниқли олмон лингводидакти Герхард Хелбингнинг фикрича уч турдаги грамматикани фанда ўзаро фарқлаш лозимдир:

1. Грамматика, яъни маълум бир тилга хос бўлган грамматик ходисалар мажмуаси. Ушбу қоидалар тилшунослар томонидан қай даражада идрок қилиниши ёки ўрганилишидан қатъий назар тил тизимида мавжуд бўлган ходисалардир;
2. Грамматика, тилдаги грамматик қоидалар мажмуасининг илмий таҳлили, яъни грамматиканинг тилшунослик фанида акс этиши;
3. Грамматика, нутқий мулоқотга киришувчи шахслар онгида мавжуд бўлган қоидалар тизими. Ушбу тизим тил ўрганувчилар онгида тилни ўзлаштириш жараёнида дунёга келади ҳамда тил ўрганиш фаолиятида мантиқан ва мазмунан тўғри бўлган нутқий бирикмаларни тузиш, қўллаш кўникмаларни шакллантиришда муҳим вазифани ўтайди.

Ўрганилаётган чет тил грамматикасини ўзлаштириш назарий, амалий ва умумтаълимий аҳамият касб этиши кўпгина илмий-тадқиқотларда таъкидлаб

ўтилгандир. Чет тил грамматикасини ўрганиш жараёнида ўқувчилар она тилларига хос бўлмаган лингвистик ҳодиса(артикуль, предлог ва бошқа шунга ўхшаш ҳодиса)ларга дуч келдилар, янги грамматик ҳодисаларни ўзлаштириб борадилар. Она тилида мавжуд бўлган грамматик ҳодиса(сифат даражалари, олмош, баъзи замон категорияларини функционал (қўлланиш) томонлари ва бошқа шунга ўхшаш)ларни ўрганиш она тили грамматикасини чуқурроқ ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Чет тил грамматикасини ўзлаштириш ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантиради, кузатувчанлик, таҳлил қилиш қобилиятини ўстиради, мантикий хотира хажмини кенгайтиради. Қисқаси, инглиз тилидаги грамматик ҳодисаларни ўрганиш ўқувчилар мантикий тафаккурини ривожлантириш ва уларнинг лингвистик савиясини кўтариш учун хизмат қилади.

III.2. Ўрта босқичда грамматик кўникмаларга қўйиладиган дастурий талаблар

Ҳозирги кунда грамматикага оид билим, кўникма ва малакаларнинг чет тилларни ўрганишдаги ролини ҳеч ким инкор этмайди. Грамматик шакл ва тузилмаларни таниш ҳамда маъносини англамай туриб, нутқни тинглаб ёки ўқиб тушуниш мумкин эмас. Уларни амалиётда қўллашни билмасдан туриб, ўз фикрини шакллантириш, оғзаки ва ёзма баён қилишни тасаввур қилиш қийин. Маълумки, грамматик қонуниятлар асосида сўзлардан сўз бирикмалари, жумла ва гаплар тузилади. Бу эса нутқнинг тушунарли бўлишини таъминлайди [31: 78].

Ўрта мактабларда инглиз тилини ўқитишда грамматик ҳодисалар ва уларнинг нутқда қўлланиши ўқувчилар учун янгилик ҳисобланмайди. Чунки, бундай амалларни улар она тили ва иккинчи тил(рус тили)ни ўрганиш жараёнида амалиётдан ўтказганлар. Чет тилда эса грамматик ҳодисаларни функционал тарзда, яъни қўлланиш нуқтаи назаридан ўзлаштириб олиниши, сўнгра интиуатив (онг иштирокисиз) ҳолда амалда ишлатилиши талаб этилади [33: 364].

Ўрта мактабларда инглиз тили грамматикасини ўргатишдан алоҳида мақсад кўзда тутилмайди, балки у нутқ фаолияти турларини ўргатишда восита бўлиб хизмат қилишини кўпгина ўқув дастурларда таъкидлаб ўтилган [14]. Ўрта мактабларда нутқнинг грамматик томони сифатида грамматик кўникмалар ҳосил қилинади. Мазкур ўқув юртида инглиз тили грамматикасини ўргатиш хусусиятларидан бири, уни она тили грамматикаси билан таққослаган ҳолда, ўқитишнинг турли усулларидан фойдаланиб кўлланишидир. Бошқача сўз билан айтганда, инглиз тили грамматик ҳодисаларини англаб етишдан бошлаб, уларни нутқда интуиатив равишда кўллашга ўрганиб бориш тартиби ўрнатилган. Она тилида эса бунинг аксини кўришимиз мумкин.

Она тили фанига доир ўқув дастурларида эса грамматика бўйича асосан икки йўналишдаги мақсад ва вазифалар қўйилади:

1. Она тили ҳақидаги фанни ўрганиш, унинг фонетикаси, луғат таркиби, сўз яшаш қоидалари морфологияси ва синтаксиси, стилистик қонуниятлари тўғрисидаги билимлар мажмуасини эгаллаш;
2. Ўқувчи нутқини ўстириш, унинг луғат бойлигини ўстириш, адабий тил нормасини ўзлаштириш фикрни мантиқан тўғри ёзма ва оғзаки ифодалаш қобилиятларини шакллантириш.

Демак, она тили грамматикаси кўпгина ҳолларда талабага ихтиёрсиз кўлланиб келаётган қоидаларни идрок қилиш тушуниш ва тизимлаштириш учун хизмат қилади. Она тили грамматикаси таълими тил амалий ўзлаштирилгандан кейин амалга оширилади. Она тили грамматикаси эса кўпгина ҳолларда назарий ва амалий грамматика аралашмаси бўлади. Чунки унга, асосан, ўқитиш мақсадларига нисбатан тил ҳодисаларига таъриф бериш, уларни тизимлаштириш лозим бўлганлиги учун турли фикр-мулоҳазаларга мурожаат қилинади.

Хорижий тил таълимида грамматик маълумот, аксинча, тил амалиётидан олдин берилади. Хорижий тил грамматикаси том маънода амалий характерга эга бўлиши керак. Хорижий тил грамматикаси умумий

характерга эга бўлиб, у ўқитувчи томонидан кўрсатмалар беришни осонлаштириши билан бир қаторда, ўқувчини мустақил фикрлашга, ўзлаштирилаётган материални ўқувчи томонидан тушуниб, идрок қилиб бориш имкониятини яратишга йўналтирилган бўлиши талаб этилади.

Хорижий тил таълимида грамматика устида ишлаш, грамматик бирликларнинг қайсилари, қачон ва қай ҳажмда тушунтирилиши масаласи методика ҳал қиладиган асосий масалалардан биридир. Ўрта мактабларда ўқувчилар ўзлаштириб олишлари керак бўлган грамматик материал грамматиканинг мазмунини ташкил қилади.

Грамматикани методик тайёрлаш ўқитиш методикасида муҳим масалалардан биридир. Грамматикни методик тайёрлаш танлаш, тақсимлаш, тасниф ва тақдирот босқичларидан иборатдир.

Грамматиканинг танлаш бирлиги эса бутунлай ўзгача методик тушунча бўлиб, грамматика ҳодисанинг ясалиши, маъноси ва қўлланиши алоҳида-алоҳида грамматик бирлик ҳисобланади, ҳатто микроқўлланиш, микромаъно ва микрошакл тушунчалари ҳам фанда тадқиқ қилинган соҳалардандир. Демак, микрошакл, микромаъно ва микроқўлланиш грамматиканинг танлаш бирлиги деб тан олинади.

Чет тилга ажратилган вақтнинг ва талабларнинг чекланганлиги грамматик материални танлаб олиш заруриятини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ўқувчилар биринчи навбатда ўзлаштириб олишлари керак бўлган грамматик ҳодисалар танлаб олиниши лозим. Танлаб олинган грамматик ҳодисалар грамматик минимумни ташкил қилади.

Методикада грамматик минимумни икки гуруҳга ажратиш қабул қилинган. Биринчи гуруҳга нутқ фаолиятининг тинглаб тушуниш ва ўқиш турларига хос бўлган грамматик ҳодисалар киради ва улар пассив (рецептив) грамматик минимумни ташкил қилади. Иккинчи гуруҳга нутқ фаолиятининг гапириш ва ёзув турларига хос бўлган грамматик ҳодисалар киради ва уларни актив (репродуктив) грамматик минимум дейилади.

Демак, актив грамматика деганда, репродуктив (шунингдек, рецептив), яъни гапириш ва ёзувда қўлланадиган грамматик ходисалар назарда тутилади.

Пассив грамматика тушунчаси доирасига идрок этиб тушуниш(ўқиш ва тинглаб тушуниш)да қўлланадиган грамматик қоидалар ва уларга оид мавҳумотлар киради. Нутқ фаолиятининг рецептив турларига хос бўлган кўникмалар рецептив грамматик кўникмаларни ташкил қилади. Рецептив кўникма деганда, грамматик ходисаларни оғзаки ва ёзма матнини таниб олиш ва тушуниш назарда тутилади. Грамматиканинг танлаш бирлиги аниқлангач, танлаш манбаини топиш зарурати туғилади. Грамматик ходисаларни ўқувчи оғзаки нутқи учун шу тилдаги жонли нутқдан ва бадий асарлардан танлаб олинади. Сўзлашув адабий тили-актив грамматиканинг танлаш манбаи ҳисобланади. Ўқувчилар ёзма нутқи (ўқиш) учун пассив грамматик минимум ёзма матнлардан танланади. Шу билан бирга ёзма нутқ услубини ифодаладиган грамматик қоидалар танлаб олинади. Шунингдек, грамматиканинг мазмунига морфология ва синтаксисга хос бўлган грамматик ходисалар, моделлар, намуналар ҳамда ушбу грамматик ходисалар билан боғлиқ кўникма ва малакалар киради. Шунини айтиш жоизки, морфологик кўникмада шакллар ясалиши ва қўлланиш амаллари тўғрисида сўз боради. Синтактик кўникмага эса сўз тартиби, сўз бирикмалари ясалиши кабилар киради. Грамматик материалнинг қўлланиш кўникмасига сўзларни ўзгартириш ва сўзларни ўрнига қўйиш киритилади.

Грамматик минимумни шакллантиришда нутқ мавзуларига ва лексик минимумга бевосита боғлаб иш тутилади. Мавзу ва лексика бирламчи дастурий тушунчалар бўлиб, грамматикани танлаш уларга бўйсундирилади.

Актив ва пассив грамматика турларини танланаётганда қуйидаги методик мезонлар ҳисобга олинади:

Актив грамматик минимумни танлаш мезонлари:

1. Грамматик ҳодисанинг оғзаки ёки ёзма нутқда кенг тарқалганлиги мезони. Барча грамматик материал ичидан кишилар нутқида кўп учрайдигани ҳодисалар танлаб олинади.
2. Намуна бўла олиш принципи. Ушбу мезонга кўра танланган грамматик бирликлар асосида уларга андоза сифатида қараб, кўпдан-кўп грамматик ҳодисаларни ҳосил қилиш имкониятини яратиш талаб этилади. Демак, имкони борича катта миқдордаги лексик қўлланишни таъминлай оладиган ҳодисалар ушбу мезонга киритилади(масалан, суффикс ёрдамида от, сифат, равишнинг ясалиши).
3. Маънодош ҳодисаларни яққалаш мезони. Қийинчиликларни олдини олиш учун грамматик ўхшаш ҳодисалар ичидан энг кўп қўлланадиган ва услуб жиҳатдан тўғри келадиган қоидалар танлаб олинади.

Кенг тарқалганлик ва намуна (андоза) бўла олиш мезонларига кўра актив грамматик минимумга оғзаки нутқда кўп қўлланадиган ва лексиканинг талай қисмини қамраб оладиган грамматик ҳодисалар киради.

Учинчи грамматик мезонга биноан актив минимумга услубий ҳолис маънодош грамматик ҳодисалар киради. Бу ҳолат олдинги икки мезонни ойдинлаштиради.

Пассив грамматик минимумни танлаш мезонлари:

1. Нутқнинг китобий ёзма услубида кенг қўлланиш мезони.
2. Кўп маънолилиқ мезони.

Мазкур илмий методик мезонлар асосида пассив минимумга китобий услубга оид қатор грамматик ҳодисалар киритилади.

Кенг қўлланиш мезони бўйича грамматик ҳодисаларнинг кўп маънолилари ичидан «микромаънолилари» танлаб олинади.

Грамматик материални танлашда мезонлар амали бир-бири билан боғлиқ бўлади. Баъзилар етакчи ва бошқалари қўшимча вазифани ўтайди.

Нутқ фаолияти турлари ҳар хил хажмдаги тил материалига муҳтождир. Уларнинг ичида энг кўп тил материални талаб этадиганлари ўқиш ва тинглаб тушуниш нутқ фаолияти турларидир.

Гапириш ва ёзув малакаларида қўлланадиган материал хажми нисбатан катта эмас. Чет тилда грамматик материални ўрганишга тайёрлаш табдиллари (грамматикани методик тайёрлаш) жиддий эътибор талаб қилади, чунки ўқитиш самараси мазмуннинг танлаб олинishiга, тақсимланишга ва методик тасниф этилишига бевосита боғлиқдир. Шундай экан, танлаш юқоридаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак.

Тил материални ўқув жараёнига тайёрлашда кейинги вазифа танланган минимумни тақсим этишдир. Грамматиканинг тақсимооти ҳам методикадаги энг муҳим масалалардан биридир. Маълумки, танлаш бирлиги сифатида грамматик ҳодисанинг маъноси, қўлланиши ва ясалиши олинган эди (нутқнинг ҳосил этилишида маъно, идрок этишда эса шакл асосий ҳисобланади). Нутқ намунаси нутқнинг ҳамма томонини-лексика, грамматика, талаффуз ва график жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради, бинобарин, нутқ намунаси грамматик материални тақсим этишда ҳам ўзлаштириш бирлиги ҳисобланади.

Тақсимот жараёни уч босқичдан иборат. Улар (а) умумий изчилликни аниқлаш, (б) синфлар бўйича тақсимлаш ва (с) ўқув йилига тақсим қилиш. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос методик мезонлари фанда ишлаб чиқилган.

Умумий изчиллик нутқ эҳтиёж учун грамматик ҳодисаларнинг зарурлиги мезони билан ўлчаниб, инглиз тилидаги умумий ҳозирги замон ва ҳозирги замон давом феълининг тақсим қилишда нутқ жараёни учун

энг зарур биринчи ходиса (умумий ҳозирги замон-Present Indefinite) танлаб олинади. Бошланғич босқич учун, одатда, энг керакли грамматик ходисалар танлаб тақсимланади.

Грамматикани синфлар бўйича тақсимлашда, заруриятдан ташқари, грамматиканинг лексика билан алоқасини ҳисобга олиш мезонидан ҳам фойдаланилади. Бунда лексиканинг бирламчилигини назарга олинади ва бу ҳол грамматик birlikларни тақсимотига ўзаро таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Учинчи босқичда ўта мураккаб тақсимот жараёнига дуч келинади. Ўқувчи тил тажрибасининг ижобий (транспозиция) ва салбий кўчиш (интерференция) ҳоллари аниқланади. Бу методик тадбир қийинчиликларнинг олдини олиш омилидир, яъни нутқни эгаллашда юз бериши кутиладиган грамматик хатоларни олдини олишга қаратилган мезондир. Уни нутқда содир бўладиган қийинчиликларни бартараф этиш номи билан аталади.

Биринчи ва иккинчи босқич учун тақсимот ўқув дастурида ҳал этилади. Учинчи босқич тақсимоти дарсликларда ўз ифодасини топади. Ўқувчилар тил тажрибалари хусусиятларини синчковлик билан эътиборга олиниб, муайян грамматик микробирлик (шакл, маъно ва қўлланиш) изчиллиги белгиланади. Тилларо ва тил ички интерференциясини назарий ва амалий (ўқитиш жараёнини ўрганиш) таҳлили натижаларидан фойдаланиб, грамматика тақсимоти тадбирлари амалга оширилади.

Грамматикани методик ташкил қилишдаги навбатдаги босқич-грамматиканинг таснифи масаласидир. Грамматиканинг таснифи ўрганиладиган ходисаларни турларга ажратиш ходисасидир. Бунда грамматик ходисаларнинг осон-қийин ўзлаштириш тафсилотлари изчил қараб чиқилади. Қийинчиликларни аниқлаш ва унинг оқибатида тасниф қилиш ушбу ходисаларни ўргатиш машқларининг тизимини яратишга, ўргатишнинг методик усулларини ишлаб чиқишга ва материални

Ўзлаштириш вақтини белгилашга имкон яратади. Грамматик материал таснифи-ўзлаштириш жараёнидаги қийинчиликларни таснифи дейилса ҳам бўлади. Қийинчиликларни аниқлаш, маълумки, кўп босқичли методик тадбирдир. Бунда нутқий хатолар таҳлили, ўқувчи онгида алоқага кирадиган (она тили, иккинчи тил ва чет тил) тилларни қиёслаш ва иккала натижаларни бир-бири билан солиштириш. Хатолар таҳлили, қиёслаш ва солиштириш амаллари грамматик маъно, шакл ва қўллаш юзасидан бажариладиган ишлар сирасига киритилади. Ясалишда фарқ қиладиган грамматик ҳодисалар (чет тилдаги шахси топилмас гаплар). Ушбу таснифлар ҳар бир чет тил учун янада кичик турларга бўлиниб, муайян тил ҳодисалари мисолида текширилади.

Илмий методик изланишлар шундан далолат берадики, ўзбек, рус ҳамда чет тилларни солиштирма қиёсий таҳлили учалла тилда ўхшаш ҳодисалар анчагина мавжуд эканлигидан далолат беради. Бу ҳодисаларни биз қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

1) ўқувчи ўрганаётгани учалла тилда ҳам ўзига хос гапдаги сўз тартиби, сўз бирикмаси шакли, сўз ясалиши андозаси кабилар мавжуд (формал ўхшашлик); 2) учалла тилда ҳам тасдиқ, сўрок, инкор, модаллик каби грамматик маънолар борлиги аниқ (маъновий умумийлик); 3) иш-ҳаракат такрорланиб туришини, давом этишини, тугалланганлигини билдирадиган феъл замонларининг қўлланиши учалла тилда турличалиги (қўлланишдаги номутаносиблик).

Грамматик ҳодисаларни маъно ва қўлланишига қуйидаги методик турларга бўлиш мумкин. 1) рус тили ва чет тилда ўхшаш ҳодисалар (модал феъл ва феълнинг ноаниқ шакли иштирокида тузилган бирлик); 2) маъно ҳамда қўлланиши доираси мос келмайдиган ҳодисалар (феъл замонлари мисолида тафовут яққол сезилади); 3) она тилида (ёки чет тилда) йўқ грамматик ҳодисалар (артикллар, феълнинг мураккаб замон шакллари-чет тилга хос, она тилига ёт бўлган грамматик материаллар); 4) она ва чет

тилдаги ўхшаш грамматик ҳодисалар (давом феъли инглиз ва ўзбек тилида қўлланилиши бир хил).

Шакллар ясалиши нуктаи-назаридан грамматик ҳодисалар қуйидагича тасниф этилади:

1. Рус тили ва чет тилда ўхшаш грамматик ҳодисалар (келаси замондаги феълнинг мураккаб шакллари).

Ўзбек ва чет тилда ўхшаш бирликлар (феълнинг ҳозирги умумий замони).

Грамматикани юқоридаги хусусиятларини билиш мактабларнинг ўрта босиқичида чет тил ўргатишнинг муваффақиятини таъминловчи омиллардандир.

III.3. Инглиз тили таълимининг ўрта босқичида грамматик кўникмаларни шакллантириш усуллари

Чет тил ўқитиш методикасида грамматика соҳасидаги энг долзарб масалалардан бири грамматик кўникмаларни шакллантиришдир. Грамматик ҳодисалар нутқий грамматик кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида ўргатилади. Грамматик ҳодисаларни нутқ фаолиятининг турларида қўллай оладиган бўлишлари учун ўқувчиларда грамматик кўникмаларни шакллантириш лозим. Бу эса мазкур кўникмаларни шакллантиришда маълум бир усулларни қўллашни тақозо этади. Аввало грамматик кўникма тушунчасининг талқинини ёритишга эҳтиёж сезилади.

Грамматик кўникма деганда, нутқда морфологик-синтактик ҳодисаларни тўғри ва автоматлашган тарзда қўллашни ва таниб олишни таъминловчи амаллар тушунилади.

Яна бир бошқа таърифда грамматик кўникма сифатида мазкур ҳодисаларни хатосиз, автоматизм даражасига кўтарилган, нутқий мулоқотга йўналтирилган ҳолда нутқда фойдлана олиш тушунилади. Грамматик кўникмалар нутқ фаолияти турларининг таркибий қисмини ташкил этади. Нутқ фаолиятининг рецептив ва репродуктив турларига хос

бўлган грамматик кўникмалар бир-биридан фарқ қилади. Гапиришга хос бўлган грамматик кўникмалар деганда, грамматик ҳодисларни хатосиз автоматизм даражасида кўтарилган муомилага йўналтирилган ҳолда оғзаки нутқда фойдалана олиш тушунилади. Бундай кўникмани шаклланганлиги белгиси сифатида грамматик операцияларни бажарилишидаги автоматизм ва бутунлик, грамматик ҳодисани кўллашнинг ситуация ва коммуникацияга мослиги хизмат қилади. Грамматик кўникмалар морфологик ва синтактик кўникмаларга ҳам ажратилади. Морфологик кўникмаларга оғзаки нутқда грамматик ҳодисалар(артикл, келишик кўшимчалари, сифат ва олмош, предлог)ларни тўғри кўллаш тушунилади Синтактик кўникмаларга эса гапда сўз тартибни тўғри белгилаш, нутқда гап турларидан тўғри фойдалана олиш ва бошқалар тушунилади.

Ёзма нутқни идрок қилиш ва шакллантиришга асос бўлган морфологик ва синтактик кўникмаларни шаклланишида ҳам худди оғзаки нутқдаги сингари механизмлар иштирок этади, бироқ уларга график ва орфографик кўникмалар кўшилади. Ёзма нутққа хос бўлган кўникмалар оғзаки нутқ грамматик кўникмаларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади. Фикрни ёзма баён қилиш жараёни нутқдан фарқли равишда тўхташ, матнни қайта кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, тўғирлаш, аниқлаш, тузатиш имкониятини беради.

Грамматик кўникмаларни шакллантириш асосан уч босқичда ўтказилади:

1. Тақдимот босқичи, яъни янги грамматик бирликни таништириш (нутқ намунасида тақдим қилиш), ўрни келганда, уни тушунтириш ва дастлабки грамматик амалларни бажаришдан иборат.
2. Грамматик машқларни бажариш. Бу босқич асосан кўникма ҳосил қилишга қаратилади.
3. Грамматик ҳодисани нутқ фаолияти турларида кўлланиш босқичи.

Бу босқичда нутқда грамматик кўникмалар қўлланиб, уларнинг малакага айланиши устида иш олиб борилади.

Биринчи ва иккинчи босқичлар бевосита грамматикани ўргатиш, грамматик кўникмани ҳосил қилиш тадбиридир. Учинчи босқич ҳам грамматик кўникма, ҳам нутқий малакага оид фаолиятдир.

Чет тил ўрганиш жараёнида грамматик кўникмаларни шакллантириш асосан тақдимот, машқ қилиш, қўллаш босқичларидан ўтади ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

Грамматика кўникмаларни шакллантиришдаги биринчи босқичи-грамматиканинг тақдимотидир. Нутқ намунасида тақдим (презентация) қилинаётган грамматик ҳодиса билан ўқувчилар ўрта мактаб чет тил таълимининг қуйи ва ўрта босқичларида оғзаки, юқори босқичда эса ёзма шаклда танишадилар. Грамматик ҳодиса нутқ намунасида, қоида тарзида, нутқ намунаси ва қоида қўшма ҳолда ёки лексик бирлик сифатида тақдим этилади. Чет тилдаги нутқ намуналари рўйхати тилшунос ва методистлар томонидан тегишли моделлар сифатида расмийлаштирилган.

Қоидалар икки турда-қоида-кўрсатма ва қоида умумлашма номлари билан фанда маълум ҳодисадир.

Қоида-кўрсатма грамматик ҳодисани нутқда қўллаш ёки ўқиш ва тинглаб тушунишда таниб олиш учун мўлжалланадиган ақлий ҳаракатга оид бўлиб, нутқ масалаларини тадқиқ этадиган психолингвистика фанида бунини алгоритм дейилади. Алгоритм қоида баён этишдан олдиндан йўлловчи асос бўлиб, нутқнинг ижросини таъминлашга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда-қоидани амалиётнинг назарий қаноти деб таърифлаш мумкин.

Қоида-умумлашма нутқни эгаллаш жараёнида тарқоқ ҳолда ўрганилган грамматик материалга оид оддий назарий маълумотдир. Қоида доимо лўнда, дона-дона ифодаланган, аниқ мақсадга қаратилган бўлиши ва грамматик ҳодисани қўллаш ёки таниб олишга йўлланмоғи керак.

Қоида билан модел-бир хил моҳиятдаги методик тушунчадир. Моделдан фойдаланиш ҳарфий тимсолларнинг киши онгида муҳрланишини таъминлайдиган омилдир.

Сўз билан ифодаланиладиган (вербал) мавҳумот эса мулоҳаза юритиш тарзида кечади. Нутқ намунаси эса унга мос келадиган жумлалар яратиш андозаси вазифасини ўтайди. Бунда вербал дискурсив мавҳумот иштирок этмайди, балки тақлид қилиш (аналогия) содир бўлади. Дискурсивликни имкон борича чеклаш тавсия этилади.

Фанда вербал қоидалар сўз билан, моделлар эса ҳарфий тимсоллар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Моделлар асосан муаллимларга мўлжалланади, ўқувчилар эса ушбу моделга асосланган нутқ намунаси амалиётда қўллашга ҳаракат қиладилар.

Грамматик материалнинг тақдимот чоғида уни қуйидаги усулларда ўргатилади:

(1) Индуктив усул; (2) Дедуктив усул; (3) лексик йўл орқали; (4) Моделлар ёрдамида.

Индуктив усулда тақдимот мисоллардан бошланиб, қоидага ўтилади. Биз буни қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин. Ўрта мактаб инглиз тили таълимида дарак гапларда сўз тартибини тушунтириш учун ўқитувчи доскага бир неча гаплар ёзади.

-We go to school every day.

-We must care about the nature.

Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда гапларнинг эгаси, кесими, иккинчи даражали бўлак(тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол)ларини топади ва уларнинг остига чизади. Сўнгра ўқувчилар билан мазкур бўлакларни сўзлардаги тартибини аниқлайди. Шу асосда ўқувчилар мустақил гаплар тузадилар. Юқоридаги амаллар орқали инглиз тилидаги сўз тартиби бўйича маълум қоидалар баён этилади.

Дедукцияда эса аввал қоида берилиб кейин мисолларга муружаат қилинади. Масалан феълларнинг ҳозирги замон шаклида феъл ўзагига шахс-сон қўшимчаларини қўшилиши ҳақида қоидалар баён этилади. Аста-секин ўрганилган грамматик қоида бўйича машқлар бажарила бошланади. Бу усул методикада дедукция деб аталади.

Ўқувчиларни янги грамматик қоидалар билан таништириш йўлларини танлашда (индукция ва дедукция) қатор методик омиллар ҳисобга олинади.

1. Грамматик ҳодисанинг табиатига боғлиқлик омили. Шаклларнинг ўхшашлиги, маънонинг осон очилиши каби ҳолатларда индуктив усулдан фойдаланилади. Масалан, сифатнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги қиёсий ва орттирма даражаларининг ясалиши-шаклида аниқ белгилар борлиги, шакл бир хиллиги ва маъносини билиб олиш осонлиги индукцияни талаб этади.

2. Она тили ва инглиз тили ҳодисалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ қилувчи омиллар. Ўхшашлик индукцияни фарқ эса дедукцияни қўллашни талаб қилади.

3. Инглиз тилидаги тўпланган тажрибага суяниш омили. Инглиз тилида феъл замонларининг бирини ўзлаштирилиши кейингисига замин бўла олади.

4. Янги ҳодисанинг микробирликларини турли усулда ўргатилиши. Инглиз тилида феъл замонларининг ясалиши ва маъноси индукцияда, қўлланиши дедукцияда ёки аксинча тақдим қилиниши мумкин. Тақдимот босқичи учта изчил методик тадбирни ўз ичига олади: таништириш, идрок этиб тушунганликни назорат қилиш ва янги ҳодисанинг таниб олиш, дастлабки машқлар бажариш.

Лексик йўл билан тилда кам учрайдиган грамматик ҳодисалар тушунтирилади. Бу усулга кўра ўқувчилар конкрет грамматик ҳодисалар

билан таништирилади ва бу ҳодисанинг таржимаси, маъноси ҳамда қўлланиши кўрсатилади.

Модделлар ёрдамида грамматик ҳодисани тушунтириш методикада кенг тарқалгандир. Модел деганда, ўрганилаётган тилнинг таллафуз, лексик ва грамматик нормалари талабларига жавоб берадиган шартли ишоралар билан ифодаланган ҳамда нутқий мулоқотнинг потенциал, абстракт, энг кичик бирлиги назарда тутилади. Шундай қилиб, модел деганда, тил birlikларининг шартли ишоралари ёрдамида ифодаланишини тушуниш мумкин (И. В. Рахманов). Масалан, S-эгани, P_v-кесимни, O-тўлдирувчини ифодалаши мумкин.

Тақдимотнинг бошланғич босқичида оғзаки нутқни илгарилаш принципига асосан муаллимнинг янги грамматик ҳодисанинг айтиши ва ўқувчиларни унга тақлид қилишга чорлашида намоён бўлади. Кейинги босқичларда янги грамматик ҳодисалар график усулда тақдим этилади. Бу график усулда тақдим этилган қоидаларни доскага ёзиб ёки ўқувчилар томонидан китобдан ўрганиб боришлари ҳам мумкин.

Тақдимотнинг иккинчи босқичи грамматик қоидани тушунганликни текширишдир. Тушунганлик даражасини текшириб бориш дастлабки ва кейинги босқичга ўтишнинг муваффақияти учун замин тайёрлайди.

Грамматик кўникмани ҳосил қилиш жараёнида учинчи босқич дастлабки машқлар бажаришнинг алоҳида аҳамиятини таъкидламоқ лозим. Идрок эта бошлаш ҳам кўникма шаклланишига қўйилган биринчи қадам бўлиб, унда эшитиш ва сезги анализаторлари ишлайди. Тақлид қилганда онг иштирокисиз муаллимга эргашилади. Ўзлари машқ қилганда, англаш бошланади, такрор айтишлар туфайли нутқий грамматик автоматизм шакллана боради. Учинчи босқич дастлабки машқларнинг изчил бажарилиши янги грамматик қоидаларни мустаҳкамлаш гаровидир. Хуллас, кўникма ҳосил қилган ўқувчи энди онгли равишда, англаб машқ бажара бошлайди. Маълумки, малака автоматлашган кўникмадир, унда

нутқ (гапириш, ёзув) ҳосил бўлади ёки тинглаб (ўқиб) тушунилади. Чет тилда грамматик қоидаларга оид кўникмалар махсус машқлар ёрдамида шакллантирилади.

Ўқувчиларнинг грамматик кўникмаларни машқ қилиш босқичи асосан уч қисмдан иборат:

1. Грамматик қоидаларни тақлидий айтишни ўрганиш.

Ҳар қандай грамматик амал маълум андозага суяниш билан чегараланади. Тақлидий машқ қилиш кейинги қисмга уланиб кетади.

2. Тақлидий ўрганилган қоидалар таркибида ўзгаришлар содир этиб, машқ қилиш бошланади.

Бундай ўзгаришлар орқали машқлар бажариш янги грамматик ҳодисаларни пухта ўзлаштириш учун хизмат қилади.

3. Олдин ва бугун тақдим этилган грамматик ҳодисаларни биргаликда оғзаки ва ёзма нутқда қўллаш.

Ўрта мактабларда янги грамматик ҳодисаларни оғзаки тарзда тақлидан айтиш, ўрин алмаштириш, айтилганни ўзгартириш каби йўллар билан амалга оширилади.

Ёзма шаклда грамматик ҳодисаларни машқ қилиш асосан гапларни кўчириш ва керакли ҳодисанинг тагини чизиш, қолдирилган грамматик ҳодисаларни тўғри қўйиш ва ҳоказолар тарзда амалга оширилади.

Тақдим этилган ва машқ қилинган ҳодисалар устида ишлаш давом эттирилиб, грамматик кўникма ҳосил қилинади. Ўқувчилар грамматик операцияларни ўзлаштиргач, энди грамматик амалларни эгаллашда давом этадилар. Грамматик материални ўрганишда бирликларни ёдлаб олиш ва операцияларни билиб олиш билан чеграланмайди, балки ўрганилаётган грамматик ҳодисалар билан нутқий амалларни эгаллашга эришилади. Маълумки, амаллар нутқ фаолиятини ҳосил қилувчи ёки идрок қилинишини таъминловчи воситалардир.

III.4. Таълимнинг ўрта босқичида грамматик кўникмаларни шакллантириш тажрибасидан

Чет тил грамматикасини ўргатиш тизими грамматик кўникмани ҳосил қилиш, грамматик материални ўзлаштириш ва умумлашмани ўрганишни ўз ичига олади. Булар ўз навбатида кўникмани шакллантиришга ва мўлжалланган машқларни бажаришни тақозо этади. Аввало тадқиқотимизда машқ атамаси ҳақида бироз фикр баён этишга эҳтиёж туғилади. Мазкур мавзу чет тил ўқитиш методистлари орасида тўхтовсиз мунозараларга сабаб бўлиб келади. Профессор Игорь Владимирович Рахманов барча машқларни тил ва нутқ машқлари номлари билан ажратиб юритган. Профессор Вульф Абрамович Бухбиндер информацион, операцион ва мотивацион машқлар ҳақида тадқиқот олиб борган. Содда қилиб уларни билим, кўникма ва малака бериш машқлари дейиш мумкин.

Мамлакатимизда чет тил методистларининг 80-йилларда бажарган илмий-тадқиқотларида чет тил машқлар системасини ўзбекча атамалар билан шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи машқлар турларига бўлиниши аниқланган. Шакллантирувчи машқлар тил материалини ўзлаштиришда, ривожлантирувчи машқ нутқда тил материалининг қўлланишида, такомиллаштирувчи машқ чет тилда фикр баён этиш ва ўзга шахс фикрини идрок этиб тушуниш мақсадида бажарилади, яъни билим олиш, кўникмани эгаллаш ва малакани ўстиришга мўлжалланган машқлар деб қаралади.

Машқлар системаси кичик системалар йиғиндиси дир. Улар нутқ фаолияти турлари (гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув) машқлари ҳамда тил материаллари (лексика, грамматика, талаффуз) машқлари номлари билан аталади. Биз мазкур тадқиқот ишимизда тил материалининг узвий қисми бўлган грамматикани ўргатишга мўлжалланган машқлардан айрим намуналарни келтирамиз:

1. Идрок этилаётган матндан ўрганилаётган грамматик ҳодисани топиш;
2. Янги грамматик ҳодисани бошқа таниш ҳодисалардан фарқлаш;

3. Эшитилаётган/ўқилган грамматик ҳодисани номини айтиш;
4. Грамматик жиҳатдан гапни оддий таҳлил қилиш;
5. Муаллим ҳикоясини тегишли грамматик ҳодисани ишлатиб давом эттириш;
6. Ўқувчи (муаллим) айтган грамматик ҳодисани гапда қўллаш;
7. Грамматик материални системалаштириш (гап тузиш);
8. Нутқий вазиятда грамматик ҳодисани эркин қўллаш;
9. Тегишли грамматик ҳодисани қўллаб саволларга жавоб бериш;
10. Грамматик ҳодисани ўз ичига олган жумлани (абзацни) таржима қилиш.

Мазкур машқларнинг мактаб дарсликларидаги таҳлили тадқиқотнинг иловалар қисмида берилган.

Хулоса

Хорижий тилларни жадал ўрганиш/ўргатиш мустақил Ўзбекистонда ҳозир умумхалқ эҳтиёжига айланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дарҳақиқат, халқаро ҳамжамиятдан ўз ўрнини топишга интилаётган мамлакат учун хорижий тилларни мукамал билган мутахассисларга эга бўлиш муҳимдир.

Ҳозирги пайтда чет тил таълими “мутахассислар тайёрлаш тизимининг муҳим бир қисмига айланганлиги ва бирор чет тилни билиш олий ва ўрта махсус ўқув юртини тугатаётган мутахассис умумий маданиятининг ажралмас бўлаги эканлиги ҳаммага маълумдир”.

Бу эса, албатта, мамлакатимиз педагог, методист-олимлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Чет тилни касбий таълимнинг узвий қисми сифатида ўргатишни таъминловчи дарслик, дастур, махсус луғат, қўлланмалар яратиш вазифаси қанчалик тезкорликни талаб қилса, хорижий тилда мулоқот кўникмаларини шакллантириш методикасини яратиш ҳам ўта долзарб муаммолардандир биридир.

Айнан шу шароитда нутқ фаолиятининг турли босқич ва ташкилий қисмларига оид малакаларни шакллантириш учун унумли хизмат қиладиган методларни ҳар томонлама ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, “грамматик малака” хорижий тилда нутқий мулоқотнинг муҳим қисмидир, бироқ “грамматик кўникмани” ҳосил қилиш муаммоси ҳалигача фанда тўлиқ ечимини топганича йўқ. Айниқса, таълим мақсади ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ўзига хос бўлган, чет тил ўқув соатлари чегараланган, тил табиий муҳити мавжуд бўлмаган, ўрта умумтаълим мактабларнинг ўрта босқичида ўқувчиларда инглиз тили грамматик кўникмаларини шакллантириш ўзгача услуб ва педагогик-психологик ёндашувни талаб этади.

Грамматика тизимининг тил ўзлаштиришда тутган ўрни, унинг нутқий мулоқот бирликлари тузилишида ўйнайдиган етакчи вазифаси доимо қайд қилинаётган вазифадир. Мазмунли ва барчага тушунарли нутқни

грамматикасиз унинг қонун-қоидалари амалиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маълумки, нутқий фаолият, нафақат, қандайдир бирлик ёки тузилмаларни ёдда сақлаб қолиш ва қайта қўллашдан, балки уларни маълум модел нусхалар асосида яшаш ҳамда нутқий вазиятга мослаштириб ишлатишдан иборат. Шу сабабли тил ўрганиш жараёнида грамматик ва мазмун жиҳатдан барча талабларга жавоб берадиган ўзига хос мавҳум модел-нусхаларни ажратиш эҳтиёжи туғилади.

Ўта мушкул масала-грамматикани чет тилни ўргатишдаги роли ва мазмунини аниқлашдир. Бундай умумий аҳамиятга эга бўлган масалани ечимини топиш турли соҳа мутахассислари, яъни тил ўқитиш услубчилари, тилшунослар, психолог-руҳшунослар, дидакт-педагоглар илмий ҳамкорлиги асосидагина топиш мумкин. Аммо, афсуски, грамматик тизим талқинида турли йўналишдаги фанлар ёндашувида бўлган номутаносибликлар ҳалигача давом этиб келмоқда.

Тил материалининг таркибий қисми ҳисобланган грамматика, унинг тил ўрганишда тутган ўрни бўйича илмий манбаларда турли фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Грамматика юнонча “grammatike, gramma” сўзидан олинган бўлиб, тилшуносликнинг бир бўлими, тилнинг грамматик тузилишини, яъни сўзларнинг шаклга эга бўлиш қонуниятларини, шунингдек, сўз бирикмалари ва гапларни тузиш қонуниятларини ўрганадиган бўлимдир.

Чет тил ўқитиш методикаси тарихида грамматикага турлича муносабатда бўлинган. XIII асрнинг охирида XIV асрнинг бошларида чет тил ўқитиш жараёнида грамматик-таржима методи ҳукм сурган. Мазкур йўналиш тарафдорларининг мақсади тил ўрганувчиларга тил структураси ҳақида билим бериш билан уларнинг мантиқий тафаккурини ўстириш бўлган. Таълимнинг асосига ёзма нутқ қўйилган. Таълимнинг объекти грамматика бўлиб, грамматика курсининг структурасини матн ва лексик материаллар ташкил этган. Ўқувчилар сўз ва қоидаларни ёд олганлар. Ўргатишнинг асосий усули таржима ҳисобланган. Демак, грамматик-таржима методи

тарафдорлари тил ўрганиш деганда, асосан, грамматикани эгаллашни, ўзлаштиришни тушунганлар. Грамматика маълум тизим ва қоидалар асосида ўрганилган.

Грамматик-таржима методидан кейин чет тил таълимига кириб келган метод тарафдорлари (тўғри метод назарда тутиляпти) эса грамматик қоидаларни умуман рад қилганлар.

Онгли қиёсий метод тарафдорлари эса грамматикани ўрганишга жиддий эътибор берганлар. Мазкур методда грамматика алоҳида аспект сифатида ўрганилган. Грамматик қоидаларни системали равишда ўрганилиб, уларга оид машқлар чет тил ўргатишда мунтазам бажарилиб борилган.

Ҳозирги пайтда грамматикага тил алоқасини таъминловчи восита сифатида қаралади. Нутқ психологияси тарафдорлари грамматикани нутқ фаолияти турларини ўрганишдаги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини илмий-тадқиқотларда муфассал баён қилганлар. Уларни фикрича грамматик мавҳумотларни билмай туриб, нутқий ҳаракатларни ўзлаштириб олиш мумкин эмас. Улар грамматик қоидаларни ўрганиш ва уларни тилда амалий қўллаш билан бирга олиб борилиши керак деган фикрни илгари сурадилар (Беляев Б. В., Артемов В. А. ва бошқалар).

Баъзи психологлар ўз тадқиқотларида нутқни шаклланишида унинг грамматик жиҳатдан қурилиши, нутқни идрок қилишда эса грамматик ҳодисаларни шаклларни таниб олиш муҳим эканлигини кўрсатганлар (Зимняя И. А., Леонтьев А. А., Рябова Т. В. ва бошқалар).

Чет тил ўқитиш методикасида грамматика талқинида ҳам турлича фикрлар мавжуд: Грамматикани-(1) нутқнинг грамматик томони-тилнинг гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувда учрайдиган грамматик ҳодисалари; (2) тил ҳодисаларини таърифловчи мавҳумотлар деб таъриф берадилар [12].

Унга (1) тилнинг грамматик қурилиши; (2) тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фанни; (3) амалий грамматикани, яъни конкрет тилга оид

грамматик қоидалар, грамматик ҳодисалар тавсифи, грамматик кўникма ва малакалар деб қаровчилар ҳам мавжуд.

Таниқли олмон лингводидакти Герхард Хелбингнинг фикрича уч турдаги грамматикани фанда ўзаро фарқлаш лозимдир:

1. Грамматика, яъни маълум бир тилга хос бўлган грамматик ҳодисалар мажмуаси. Ушбу қоидалар тилшунослар томонидан қай даражада идрок қилиниши ёки ўрганилишидан қатъий назар тил тизимида мавжуд бўлган ҳодисалардир;
2. Грамматика, тилдаги грамматик қоидалар мажмуасининг илмий таҳлили, яъни грамматиканинг тилшунослик фанида акс этиши;
3. Грамматика, нутқий мулоқотга киришувчи шахслар онгида мавжуд бўлган қоидалар тизими. Ушбу тизим тил ўрганувчилар онгида тилни ўзлаштириш жараёнида дунёга келади ҳамда тил ўрганиш фаолиятида мантиқан ва мазмунан тўғри бўлган нутқий бирикмаларни тузиш, қўллаш кўникмаларни шакллантиришда муҳим вазифани ўтайди [22].

Ўрганилаётган чет тил грамматикасини ўзлаштириш назарий, амалий ва умумтаълимий аҳамият касб этиши кўпгина илмий-тадқиқотларда таъкидлаб ўтилгандир. Чет тил грамматикасини ўрганиш жараёнида ўқувчилар она тилларига хос бўлмаган лингвистик ҳодиса(артикуль, предлог ва бошқа шунга ўхшаш ҳодиса)ларга дуч келадилар, янги грамматик ҳодисаларни ўзлаштириб борадилар. Она тилида мавжуд бўлган грамматик ҳодиса(сифат даражалари, олмош, баъзи замон категорияларини функционал (қўлланиш) томонлари ва бошқа шунга ўхшаш)ларни ўрганиш она тили грамматикасини чуқурроқ ўзлаштириб олишга ёрдам беради. Чет тил грамматикасини ўзлаштириш ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантиради, кузатувчанлик, таҳлил қилиш қобилиятини ўстиради, мантиқий хотира ҳажмини кенгайтиради. Қисқаси, инглиз тилидаги грамматик ҳодисаларни ўрганиш ўқувчилар мантиқий тафаккурини ривожлантириш ва уларнинг лингвистик савиясини кўтариш учун хизмат қилади.

Грамматикани методик тайёрлаш ўқитиш методикасида муҳим масалалардан биридир. Грамматикни методик тайёрлаш танлаш, тақсимлаш, тасниф ва тақдимои босқичларидан иборатдир.

Чет тилга ажратилган вақтнинг ва талабларнинг чекланганлиги грамматик материални танлаб олиш заруриятини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ўқувчилар биринчи навбатда ўзлаштириб олишлари керак бўлган грамматик ҳодисалар танлаб олиниши лозим. Танлаб олинган грамматик ҳодисалар грамматик минимумни ташкил қилади.

Методикада грамматик минимумни икки гуруҳга ажратиш қабул қилинган. Биринчи гуруҳга нутқ фаолиятининг тинглаб тушуниш ва ўқиш турларига хос бўлган грамматик ҳодисалар киради ва улар пассив (рецептив) грамматик минимумни ташкил қилади. Иккинчи гуруҳга нутқ фаолиятининг гапириш ва ёзув турларига хос бўлган грамматик ҳодисалар киради ва уларни актив (репродуктив) грамматик минимум дейилади.

Демак, актив грамматика деганда, репродуктив (шунингдек, рецептив), яъни гапириш ва ёзувда қўлланадиган грамматик ҳодисалар назарда тутилади.

Тил материални ўқув жараёнига тайёрлашда кейинги вазифа танланган минимумни тақсим этишдир. Тақдимои жараёни уч босқичдан иборат. Улар (а) умумий изчилликни аниқлаш, (б) синфлар бўйича тақсимлаш ва (с) ўқув йилига тақсим қилиш. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос методик мезонлари фанда ишлаб чиқилган.

Грамматикани методик ташкил қилишдаги навбатдаги босқич-грамматиканинг таснифи масаласидир. Бунда грамматик ҳодисаларнинг осон-қийин ўзлаштириш тафсилотлари изчил қараб чиқилади. Грамматик материал таснифи-ўзлаштириш жараёнидаги қийинчиликларни таснифи дейилса ҳам бўлади.

Чет тил ўқитиш методикасида грамматика соҳасидаги энг долзарб масалалардан бири грамматик кўникмаларни шакллантиришдир.

Грамматик кўникма деганда, нутқда морфологик-синтактик ходисаларни тўғри ва автоматлашган тарзда қўллашни ва таниб олишни таъминловчи амаллар тушунилади.

Яна бир бошқа таърифда грамматик кўникма сифатида мазкур ходисаларни хатосиз, автоматизм даражасига кўтарилган, нутқий мулоқотга йўналтирилган ҳолда нутқда фойдлана олиш тушунилади. Грамматик кўникмалар нутқ фаолияти турларининг таркибий қисмини ташкил этади. Нутқ фаолиятининг рецептив ва репродуктив турларига хос бўлган грамматик кўникмалар бир-биридан фарқ қилади. Гапиришга хос бўлган грамматик кўникмалар деганда, грамматик ходисаларни хатосиз автоматизм даражасида кўтарилган муомилага йўналтирилган ҳолда оғзаки нутқда фойдалана олиш тушунилади. Бундай кўникмани шаклланганлиги белгиси сифатида грамматик операцияларни бажарилишидаги автоматизм ва бутунлик, грамматик ходисани қўллашнинг ситуация ва коммуникацияга мослиги хизмат қилади. Грамматик кўникмалар морфологик ва синтактик кўникмаларга ҳам ажратилади. Морфологик кўникмаларга оғзаки нутқда грамматик ходисалар(артикл, келишик қўшимчалари, сифат ва олмош, предлог)ларни тўғри қўллаш тушунилади Синтактик кўникмаларга эса гапда сўз тартибни тўғри белгилаш, нутқда гап турларидан тўғри фойдалана олиш ва бошқалар тушунилади.

Ёзма нутқни идрок қилиш ва шакллантиришга асос бўлган морфологик ва синтактик кўникмаларни шаклланишида ҳам худди оғзаки нутқдаги сингари механизмлар иштирок этади, бироқ уларга график ва орфографик кўникмалар қўшилади. Ёзма нутққа хос бўлган кўникмалар оғзаки нутқ грамматик кўникмаларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади. Фикрни ёзма баён қилиш жараёни нутқдан фарқли равишда тўхташ, матнни қайта кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, тўғирлаш, аниқлаш, тузатиш имкониятини беради.

Грамматик кўникмаларни шакллантириш асосан уч босқичда ўтказилади:

1. Такдимот босқичи, яъни янги грамматик бирликни таништириш (нутқ намунасида такдим қилиш), ўрни келганда, уни тушунтириш ва дастлабки грамматик амалларни бажаришдан иборат.
2. Грамматик машқларни бажариш. Бу босқич асосан кўникма ҳосил қилишга қаратилади.
3. Грамматик ҳодисани нутқ фаолияти турларида қўлланиш босқичи.

Бу босқичда нутқда грамматик кўникмалар қўлланиб, уларнинг малакага айланиши устида иш олиб борилади.

Биринчи ва иккинчи босқичлар бевосита грамматикани ўргатиш, грамматик кўникмани ҳосил қилиш тадбиридир. Учинчи босқич ҳам грамматик кўникма, ҳам нутқий малакага оид фаолиятдир.

Чет тил ўрганиш жараёнида грамматик кўникмаларни шакллантириш асосан такдимот, машқ қилиш, қўллаш босқичларидан ўтади ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

Грамматика кўникмаларни шакллантиришдаги биринчи босқичи-грамматиканинг такдимотидир. Нутқ намунасида такдим (презентация) қилинаётган грамматик ҳодиса билан ўқувчилар ўрта мактаб чет тил таълимининг қуйи ва ўрта босқичларида оғзаки, юқори босқичда эса ёзма шаклда танишадилар. Грамматик ҳодиса нутқ намунасида, қоида тарзида, нутқ намунаси ва қоида кўшма ҳолда ёки лексик бирлик сифатида такдим этилади. Чет тилдаги нутқ намуналари рўйхати тилшунос ва методистлар томонидан тегишли моделлар сифатида расмийлаштирилган.

Қоидалар икки турда-қоида-кўрсатма ва қоида умумлашма номлари билан фанда маълум ҳодисадир.

Қоида-кўрсатма грамматик ҳодисани нутқда қўллаш ёки ўқиш ва тинглаб тушунишда таниб олиш учун мўлжалланадиган ақлий ҳаракатга оид бўлиб, нутқ масалаларини тадқиқ этадиган психолингвистика фанида

буни алгоритм дейилади. Алгоритм қоида баён этишдан олдиндан йўлловчи асос бўлиб, нутқнинг ижросини таъминлашга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда-қоидани амалиётнинг назарий қаноти деб таърифлаш мумкин.

Қоида-умумлашма нутқни эгаллаш жараёнида тарқоқ ҳолда ўрганилган грамматик материалга оид оддий назарий маълумотдир. Қоида доимо лўнда, дона-дона ифодаланган, аниқ мақсадга қаратилган бўлиши ва грамматик ҳодисани қўллаш ёки таниб олишга йўлланмоғи керак.

Қоида билан модел-бир хил моҳиятдаги методик тушунчадир. Моделдан фойдаланиш ҳарфий тимсолларнинг киши онгида муҳрланишини таъминлайдиган омилдир.

Сўз билан ифодаланиладиган (вербал) мавҳумот эса мулоҳаза юритиш тарзида кечади. Нутқ намунаси эса унга мос келадиган жумлалар яратиш андозаси вазифасини ўтайди. Бунда вербал дискурсив мавҳумот иштирок этмайди, балки тақлид қилиш (аналогия) содир бўлади. Дискурсивликни имкон борича чеклаш тавсия этилади.

Фанда вербал қоидалар сўз билан, моделлар эса ҳарфий тимсоллар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Моделлар асосан муаллимларга мўлжалланади, ўқувчилар эса ушбу моделга асосланган нутқ намунаси амалиётда қўллашга ҳаракат қиладилар.

Грамматик материалнинг тақдимот чоғида уни қуйидаги усулларда ўргатилади:

(1) Индуктив усул; (2) Дедуктив усул; (3) лексик йўл орқали; (4) Моделлар ёрдамида.

Индуктив усулда тақдимот мисоллардан бошланиб, қоидага ўтилади. Дедукцияда эса аввал қоида берилиб кейин мисолларга мурожаат қилинади.

Ўқувчиларни янги грамматик қоидалар билан таништириш йўлларини танлашда (индукция ва дедукция) қатор методик омиллар ҳисобга олинади.

Лексик йўл билан тилда кам учрайдиган грамматик ҳодисалар тушунтирилади. Бу усулга кўра ўқувчилар конкрет грамматик ҳодисалар билан таништирилади ва бу ҳодисанинг таржимаси, маъноси ҳамда қўлланиши кўрсатилади.

Модделлар ёрдамида грамматик ҳодисани тушунтириш методикада кенг тарқалгандир. Модел деганда, ўрганилаётган тилнинг таллафуз, лексик ва грамматик нормалари талабларига жавоб берадиган шартли ишоралар билан ифодаланган ҳамда нутқий мулоқотнинг потенциал, абстракт, энг кичик бирлиги назарда тутилади. Шундай қилиб, модел деганда, тил бирликларининг шартли ишоралари ёрдамида ифодаланишини тушуниш мумкин (И. В. Рахманов). Масалан, S-эгани, Pv-кесимни, O-тўлдирувчини ифодалаши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекча ва русча адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Мустақил Ўзбекистон таълими. –Т.: Шарқ, 1997. –44 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий йўллари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –48 б.
3. Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги Қонуни. 1997й. 29 август. Олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. – Т.: 2001. –3 б.
4. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисидаги Қонун. 1997 й. 29 август. Олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. –Т.:2001.–17 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5–қарорига 1–илова. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим тўғрисидаги қарорлари. 1–қисм. –Т.: 1998 й. – 24 б.
6. Андреевская-Левенстерн Л. С. Методика преподавания французского языка в средней школе . –М.: Просвещение,1983. –222 с.
7. Бим И. Л. Методика обучения иностранному языку в школе. Учебное пособие. – Просвещение, 2003. –159 с.
8. Гальскова Н. Д. Современная методика обучения иностранным языкам: Пособие для учителя. – 2–е изд. – М.: АРКТИ, 2003.
9. Гез Н. И. и др. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. –М.: Высшая школа, 1982. –373 с.

10. Демьяненко М. Я., Лазеренко К. А., Кислая С. В. Основы общей методики обучения иностранным языкам: Теоритический курс/Под ред. Демьяненко М. Я. –Киев: Высшая школа, 1976. – 282с.
- 11.Джалалов Д. Д. Проблема содержания обучения иностранному языку. Ташкент: Фан, 1987. –110 с.
- 12.Жалолов Ж. Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1996 й. –368 б.
13. Зимняя И. А. Психология обучения иностранным языкам в школе. –М.: Просвещение, 1991, –221 с.
14. Концепция непрерывного образования по иностранному языку||Учитель Узбекистана №26. 28–3 августа 1993.
- 15.Конышева А. В. Современные методы обучения английскому языку. –М.: Тетра Системс, 2003. –176 с.
16. Курс обучения иностранным языкам в средней школе/Под ред. Цетлин В. С. –М.: Педагогика, 1970. –232 с.
17. Ляховицкий М. В. Методика преподавания иностранных языков: Учебное пособие. –М.: Высшая школа, 1981. –159 с.
18. Мамадалиев Абдумажит Мамадалиевич Педагогика институтлари талабаларига тил таълимини беришнинг дидактик асослари: Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация/Низомий номидаги ТДПУ. –Т.: 1994. –154б.
19. Методика обучения иностранным языкам в средней школе: Учебник/Гез Н.И., Ляховицкий М. В., Миролубов А. А., Фоломкина С. К., Шатилов С. Ф. –М.: Высшая школа,1982. – 373 с.

20. Миньер-Белоручев Р. К. Методика обучения французскому языку:[По спец. «Иностр. яз.».]. –М.: Просвещение, 1990. – 223,[1] с.
21. Москальская О. И. Понятие «практическое владение иностранным языком» в средней школе.//Общая методика обучения иностранным языкам. Хрестоматия. –М.: Русский язык, 1991. –С69–74.
22. Мустафаева Хусния Турсуновна Инглиз тили грамматикасини ижтимоий-гуманитар факультетлар талабаларига ўргатишнинг лингводидактик хусусиятлари:Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация/Самарқанд давлат чет тиллар универстети. –Т.: 2003. –140б.
23. Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе/Под ред. Миролюбова А. А., Рахманова И. В., Цетлин В. С. –М.: Просвещение, 1967. –450 с.
- 24.Пассов Е. И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. 2–е изд. –М.:Просвещение, 1991.–223с.
25. Пассов Е. И. Урок иностранного языка в средней школе. – 2–е изд. Дораб. –М.: Просвещение, 1988. –222,[1] с.
26. Рогова Г. В. Цели и задачи обучения иностранным языкам.//Общая методика обучения иностранным языкам. Хрестоматия. –М.: Русский язык. 1991. –С75–82.
27. Рогова Г. В., Верещагина И. Н. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе: Пособие для учителя, –М.: Просвещение,1988. –244 с.
28. Сайдалиев С.С. Чет тил ўқитиш методикасидан очерклар: Ўқитувчи ва талабалар учун қўлланма. –Наманган, НамДУ. 2004. –204б.

29. Сатторов Т. К. Методическое содержание обучения активной грамматике английского языка в узбекской школе. Автореф.дис. ... канд.пед.наук. –М., 1982. –21 с.
30. Сатторов Т. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. –Т.: ТДЮИ, 2003. –92 б.
31. Содержание обучения иностранным языкам в средней школе. Организация речевой деятельности. /[А. Д. Климентенко, М. Л. Вайсбург, М. Е. Брейгина и др.]; Под. ред. А. Д. Климентенко. –М.: Педагогика, 1984. – 144с.
32. Старков А. П. Обучение английского языку в средней школе. –М.: Просвещение, 1978. –224 с.
33. Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе/[А. А. Миролубов, В. В. Краевский, В. С. Цетлин и др.]; Под.ред А. Д. Климентенко, А. А. Миролубова. –М.: Педагогика, 1981. –456 с.
34. Цетлин В. С. Знания, умения и навыки в обучении иностранным языкам.//Общая методика иностранным языкам. Хрестоматия. –М.: Русский язык, 1991. –С 38-42
35. Шатилов С. Ф. Методика обучения немецкому языку в средней школе. – Л.: Просвещение, 1977. –295 с.
36. Ҳошимов Ў., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. –Т.: Шарқ, 2003. –302 б.
37. Языкова Н.В. Сборник задач и заданий по методике преподавания иностранных языков: Пособие для студентов.–Л.:Просвещение, 1977. –265с.

II. Инглизча ва интернетга оид адабиётлар

38. Сое. N. 1997. Vocabulary must be learnt, not taught. Modern English Teacher 6(3):47-48.

39. English Matters. Student's Book 8. Lee U., Tsarikova N., Zakirov N., Tennant A. –Tashkent.
40. Hill. J. and M. Lewis. 1997. Dictionary of selected collocations. Hove, UK: Language Teaching Publications - 1996. Implications.
41. Lewis, M. 1993. The lexical approach. Hove, U K: Language Teaching Publications. – 1996. Implications of a lexical view of language in J. and D. Willis Challenge and Change in Language Teaching. Oxford: Heinemann.
42. Nation, P. 1990. Teaching and learning vocabulary. New York: Newbury House.
43. Richards, J. 2000. Series Editor's Preface. In N. Schmitt. Vocabulary in Language Teaching. Cambridge: Cambridge University Press.
44. ehu-international.org/.../addition/foreign_languages.html
45. www.optimus-lingua.ru/lang4.html
46. www.inplus.ru/edu/prog.html
47. www.fluent.ru/main_methods_05.html
48. www.catalog.alledu.ru/distans/foreign
49. www.doklad.ru/monika/doklad/view/zip-891.html
50. www.bteu.by/kafedrs/belinaz.html
51. www.rea-clp.ru/programm.php
52. www.pomorsu.ru/Departments/CafForeignLanguage/program.html

1. Грамматика юнонча “*grammatike, gramma*” сўзидан олинган бўлиб, тилшуносликнинг бир бўлими, тилнинг грамматик тузилишини, яъни сўзларнинг шаклга эга бўлиш қонуниятларини, шунингдек, сўз бирикмалари ва гапларни тузиш қонуниятларини ўрганадиган бўлимдир.
2. Грамматика илмий-тадқиқотларда қуйидагича талқин этилган:

1). Грамматикани-(а) нутқнинг грамматик томони-тилнинг гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувда учрайдиган грамматик ҳодисалари; (б) тил ҳодисаларини таърифловчи мавҳумотлар деб таъриф берадилар [Жалолов Ж.Ж., 1996, 144].

2). Грамматика (а) тилнинг грамматик қурилиши; (б) тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фанни; (в) амалий грамматикани, яъни конкрет тилга оид грамматик қоидалар, грамматик ҳодисалар тавсифи, грамматик кўникма ва малакалар деб қаровчилар ҳам мавжуд. [Сайдалиев С. С., 2003.]

3) Таниқли олмон лингводидакти Герхард Хелбингнинг фикрича уч турдаги грамматикани фанда ўзаро фарқлаш лозимдир деб таъкидлаган:

(а) Грамматика, яъни маълум бир тилга хос бўлган грамматик ҳодисалар мажмуаси. Ушбу қоидалар тилшунослар томонидан қай даражада идрок қилиниши ёки ўрганилишидан қатъий назар тил тизимида мавжуд бўлган ҳодисалардир;

(б) Грамматика, тилдаги грамматик қоидалар мажмуасининг илмий таҳлили, яъни грамматиканинг тилшунослик фанида акс этиши;

(в) Грамматика, нутқий мулоқотга киришувчи шахслар онгида мавжуд бўлган қоидалар тизими. Ушбу тизим тил ўрганувчилар онгида тилни ўзлаштириш жараёнида дунёга келади ҳамда тил ўрганиш фаолиятида мантиқан ва мазмунан тўғри бўлган нутқий бирикмаларни тузиш, қўллаш кўникмаларни шакллантиришда муҳим вазифани ўтайди [Мустафаева Х. Т., 2003.].

3. Грамматик маъно-тилда ўзининг доимий ифодаловчисига эга бўлган, сўз шакли ва гапга хос умумлашган грамматик ҳодисани англатган тушунча.
4. Грамматик шакл-маълум грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган, грамматик ҳодисанинг ташқи кўринишини ифодаловчи воситалар.
5. Индуктив усул-грамматик ҳодисаларни мисолдан қоидага ўтиш йўли билан тушунтириш.
6. Дедуктив усул-грамматик ҳодисани қоидадан мисолга ўтиш йўли билан тушунтириш.
7. Лексик усулида-грамматик ҳодисанинг таржимаси, маъноси ва қўлланиши тақдим қилинади.
8. Модел-тил бирликларини шартли ишоралар ёрдамида ифодаланиши.
9. Пассив (рецептив) грамматика- нутқ фаолиятининг тинглаб тушуниш ва ўқиш турларига хос бўлган грамматик ҳодисалар киради.
10. Актив (репродуктив) грамматика- нутқ фаолиятининг гапириш ва ёзув турларига хос бўлган грамматик ҳодисалар киради
11. Грамматик кўникма-нутқда морфологик-синтактик ҳодисаларни тўғри ва автоматл ашган тарзда қўллашни ва таниб олишни таъминловчи амаллар тушунилади.
12. Ўрта мактабнинг ўрта босқичида грамматик кўникмаларни шакллантиришга қаратилган машқлардан намуналар:
13. Идрок этилаётган матндан ўрганилаётган грамматик ҳодисани топиш;

6. Listening.

Listen to the dialogue and fill in the blanks.

Jack: Actually I don't believe in superstitions, Mike. It's stupid. If you (a) ... mirror you (b) ... have seven years' bad luck! Just be careful! That's all!

Mike: Don't you believe that you (c) ... a spider you won't (d) ... hear from anybody?

Jack: No, of course I don't.

Mike: Listen Jack, if I (e) ... you I would start to believe it. It's all true! I know it sounds crazy, but...

Jack: If I were you, I wouldn't (f) ... that nonsense, Mike!

Answers: (a) break; (b) don't; (c) see; (d) hear; (e) were; (f) believe [39;131].

14. Янги грамматик ҳодисаларни фарқлаш машқлари

6. Reading and writing.

Fill in the gaps with who, whose, where, which and when

Thomas Alva Edison

(1847-1931)

Thomas Alva Edison is one of America's most famous inventors, (a) ... developed the first electric bulb. He was seven (b) ... he went to school. He was a curious boy (c) ... liked to ask a lot of questions. His teacher, (d) ... didn't like such students, whipped him. His mother, (e) ... name was Nancy and (f) ... was a teacher, took him out of school and taught him. The first elementary science book (g) ... she gave him was about doing chemistry experiments.

Thomas was 16 (h) ... he made his first invention. The telegraph company (i) ... he worked as a telegraph assistant asked him to send reports to Toronto every hour by signal. Thomas invented a system (j) ... sent a signal even if he was a sleep.

Thomas Edison invented and improved 1,093 different things. But it was the phonograph (k) ... he liked most. The first words he recorded were "Mary had a little lamb".

Thomas Alva Edison is a person (l) ... inventions really affected the life of modern society. When he died, the United States switched off electric lights for a minute in his memory.

15. Ўқувчи (муаллим) айтган грамматик ҳодисани гапда қўллаш

1. Reading and writing

Look at the chart and complete the text, using the words in the box

Goes, watches, has, turns on, goes on, walks, wakes up, likes

Gavhar is a 15-year-old schoolgirl. She (a) ...to school six days a week. Gavhar (b) ...early in the morning, at about 6 a.m. and (c) ...the radio. She has breakfast at 7 a.m. For breakfast Gavhar (d) ... to eat toast and drink some tea with sugar. Then she (e) ... to school. At 12 she (f) ... lunch at the school canteen. After classes she walks her dog and (g) ... TV. She likes to watch films or music channels. She (h) ... to sleep at 10 p.m. [39;2]

16. Нутқий вазиятда грамматик ходисани эркин қўллаш

4. Writing.

Complete the diary extract below using the words in the box. Remember to put the verbs in the correct tense.

Arrive, break, come, discover, drive, fall, leave, visit, wait

I remember my last summer holiday really well. We (a) ... my grandmother, who lives in the countryside. We (b) ... the city and (c) ... for three hours. Unfortunately the car (d) ... down and we had to wait for two hours. When we (e) ... we (f) ... that my grandmother wasn't there! We (g) ... for her to come, but she was very late. Finally she (h) ... home and we could sit down. I was so tired I (i) ...asleep straight away!